

ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ 2 СЕНТЯБРЬ КУНИ ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ ИЛМИЙ-МАЪРИФИЙ ЁДГОРЛИК МАЖМУАСИГА ТАШРИФ БУЮРИБ, ЎЗБЕКИСТОННИНГ БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲАЙКАЛИ ПОЙИГА ГУЛЧАМБАР ҚЎЙДИ, УНИНГ ЁРҚИН ХОТИРАСИГА ҲУРМАТ БАЖО КЕЛТИРДИ.



НУҚУЗ

1997-йил 27-августдан чиқа бoshлаган

www.huquq.uz

2019-й. 5-СЕНТАБР, №36 (1181)

**ТЎРТ ЙИЛДАН
БУЁН ҚАРЗИНИ
ҚАЙТАРМАЙ
КЕЛАЁТГАН ШАХС
БИРДАНИГА
ТАДБИРКОРЛИККА
ҚЎЛ УРДИ.**

**МАҲАЛЛИЙ
ҲОКИМЛИКЛАР
15 218 ГЕКТАР
ЭКИН ЕРИНИ
НОҚОНУНИЙ
РАВИШДА
АЖРАТИБ БЕРГАН.**

**6 МАРТА
СУДЛАНГАН
РЕЦИДИВИСТ
ҚАНДАЙ КИЛИБ
ЯНА МАНСАБ
КУРСИСИГА
ЎТИРДИ?**

**НАФС
ҚУРГУР «МАКТАБ
КЎРМАГАН»
АКТЁРЛАРНИНГ
ҚИРРАЛАРИНИ
ОЧИБ ЮБОРДИ.**

Бош прокуратурада байрам тадбири



Рустамжон ҚУВАНОВ,
Бош прокуратура бошқарма
катта прокурори

Юртимизни жаҳон ҳам-жамиятида ўз ўрнига эга бўлиш бахтига муяссар этган энг улуг, энг азиз байрам — мамлакатимиз мустақиллигининг 28 йиллиги барча ҳудудларда кўтаринки кайфиятда нишонланди.

Бош прокуратурада ҳам "Жонажон Ўзбекистоним, мангу бўл омон!" гоёси асосида байрам тадбири бўлиб ўтди. Тадбирда Бош прокуратура, прокуратура органлари фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчиликлари, Бош прокуратура ҳузуридаги департамент ҳамда Мажбурий ижро бюроси ходимлари иштирок этди.

Тадбирни Бош прокурор Нигматилла Йўлдошев кириш сўзи билан очиб, прокуратура органлари олдига қўйилган янги ва масъулиятли вазифалар моҳияти ҳақида тўхталиб, мазкур вазифаларни бажариш учун бор имкониятни ишга солиш лозимлигини таъкидлади. Прокуратура органларининг фидойи ходимлари фаолияти

ҳам давлатимиз раҳбари томонидан юксак баҳоланмоқда. Президентимизнинг 2019 йил 28 августдаги фармони билан хизмат вазифаларини виждонан бажариб, ҳамкасбларига ўрнак бўлган прокуратуранинг икки нафар ходими "Дўстлик" ордени, икки нафари "Содиқ хизматлари учун" ва "Шухрат" медаллари билан тақдирланди. Тадбирда ушбу ходимларга орден ва медаллар топширилди.

Шунингдек, жиноятчиликка қарши курашиш ва қонунийликни таъминлашга муносиб ҳисса қўшиб келаётган бир қатор ходимлар рағбатлантирилди.

Бундан ташқари, тадбирда прокуратура органларига ишга қабул қилиниб, аттестациядан ўтган ёш ходимлар ўз хизмат вазифаларини ҳалол ва виждонан бажаришига, қонун бузилишига қарши муросасиз курашишга, фуқаро, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишга тантанали қасамёд қилдилар.

Давлат раҳбарининг топшириғига мувофиқ аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқотни кенгайтириш, долзарб муаммоларни аниқлаш, уларни бартараф этиш мақсадида прокуратура органлари томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини тўлақонли ҳимоя қилишга қаратилган қатор ишлар амалга оширилмоқда.

ХАЛҚ ДАРДИ БИЛАН ЯШАШ — ОЛИЙ БАХТ

Бош прокурор томонидан тасдиқланган жадвалга мувофиқ жорий йил Бош прокуратура раҳбарияти томонидан республикамизнинг барча ҳудудларида оммавий сайёр қабуллар ўтказилмоқда.

Июль ва август ойларида жами 38 марта, шундан 13 марта Бош прокурор ва 25 марта Бош прокурор ўринбосарлари томонидан сайёр қабул ўтказилди.

Бош прокурор 8 июль куни Қорақалпоғистонда, 9 июль куни Хоразм, 18 июль куни Бухоро, 19 июль куни Наманган, 22 июль куни Сирдарё, 24 июль куни Тошкент, 26 июль куни Жиззах, 3 август куни Қашқадарё, 4 август куни Сурхондарё, 6 август куни Навоий, 7 август куни Самарқанд, 16 август куни Андижон ва 17 август куни Фарғона вилоятида сайёр қабул ўтказди.

Уларда 314 нафар фуқаро қабул қилиниб, 84 нафарининг мурожаати қаноатлантирилган. Жумладан, 17 та тадбиркорлик субъектига ер ёки бино ажратилиши, 10 нафар фуқаронинг соғлиқни сақлаш масаласидаги, 8 та электр энергияси, 7 та газ, 8 та қарзни ундириш, 5 та кредит, 4 та тергов фаолияти, 3 та судлар фаолияти, 3 та солиқ ва 19 та бошқа масалага оид муаммоларнинг ҳал этилиши таъминланди. Масалан, "Aral Moynaq" МЧЖнинг "Ешлар — келажакимиз" дастури асосида ажратилиши белгиланган 300 млн. сўм кредит ресурс масаласидаги муаммо сабабли "Халқ банки"нинг Мўйноқ филиалдан ажратилмаётгани ҳақидаги мурожаати қаноатлантирилиб, жамиятга кредит олиб берилиши таъминланди.

Шунингдек, "Ақбар Гузал Рустам" МЧЖнинг замонавий типдаги иссиқхона комплекси қуриш учун 1 га ер ажратилишида ёрдам кўрсатиш ҳақидаги мурожаати қаноатлантирилиб, Урганч тумани ҳокимининг қарорига асосан 1 га ер ажратиб берилди.


Бош прокурор ўринбосарлари томонидан 1 июль, 12 август кунлари Бухоро вилоятида, 1 июль, 23 август кунлари Сирдарё вилоятида, 3, 4, 16, 27 июль ва 17, 26 август кунлари Тошкент вилояти, 5, 6 июль ва 16 август кунлари Тошкент шаҳри, 3, 4 июль ва 13 август куни Фарғона вилояти, 10, 11 июль ва 17 август куни Қашқадарё вилояти, 12, 13 июль ва 5 август куни Сурхондарё вилояти, 22 июль куни Қорақалпоғистон Республикаси, 23 июль куни Хоразм, 25 июль куни Андижон, 5 август куни Навоий, 19 август куни Самарқанд ва 24 август куни Жиззах вилоятида сайёр қабуллар ташкил қилинди. Уларда жами 2202 нафар фуқаро қабул қилиниб, 587 нафарининг мурожаати қаноатлантирилган.

Жумладан, 85 нафар фуқаронинг уйига табиий газ етказиб берилиши, 75 нафар фуқарога 4,6 млрд. сўм кредит ажратилиши таъминланди. 74 киши ишга жойлаштирилди, 61 кишига турли хил ижтимоий ёрдам берилди. 49 та суд қарорининг ижроси таъминланиб, 1,2 млрд. сўмлик қарзлар ундирилди. 45 нафар фуқарога соғлиқни тиклашда ёрдам кўрсатилди, 31 кишининг уй-жойга доир муаммоси ҳал этилди. 12 нафар фуқарога ер ёки бино ажратилиши, 30 та тергов ва терговга қадар текширув материаллари, 10 та суд қарори ва 8 та ҳокимлик қарори бекор қилиниши, 11 та электр энергияси, 9 та кадастр, 6 та таълим ва 81 та бошқа соҳаларга оид муаммолар ҳал этилиши таъминланди. Мисол учун, М.Ҳидоятваннинг Сароисиё тумани "Феруз" МФЙ аҳолисини тоза сув билан таъминлашда ёрдам кўрсатиш ҳақидаги мурожаати қаноатлантирилиб, маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудига янги сув қувурлари ётқизирилиши ва аҳолига тоза сув етказиб берилиши таъминланди.

Шунингдек, фуқаро А.Нишоновнинг автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шохобчаси қурилиши учун рўхсат олишда ёрдам кўрсатиш ҳақидаги мурожаати қаноатлантирилиб, Тошлоқ туман ҳокимининг 2019 йил 5 июлдаги 5434-қарори билан қурилишга рўхсат берилди.

МАГИСТРАТУРА ИМТИҲОНИ ШАФФОФЛИККА АСОСЛАНДИ

Жорий йил 4 сентябрь куни Тошкент шаҳар Халқаро бизнес маркази биносига Бош прокуратура Академияси магистратурасига чет тили бўйича тест синови ҳамда эссе ёзма имтиҳони бўлиб ўтди.



Академия қабул комиссияси томонидан кириш имтиҳони ҳолис, очик ва шаффоф ўтказилиши таъминланди.

Имтиҳонни ўтказиш жараёни тўлиқ видеотаъсирга олинди, Бош прокуратура Академиясининг «Facebook» ижтимоий тармоғи орқали онлайн тарзда намоийш этилди.

Академия магистратурасининг "прокурорлик фаолияти", "тергов фаолияти" ва "коррупцияга қарши курашиш" йўналишлари бўйича 2019/2020 ўқув йилига жами 30 та қабул квотаси тасдиқланган.



Гувоҳи бўлаётганимиздек, мамлакатимиз иқтисодиётининг деярли барча тармоқлари каби аграр соҳадаги ислохотлар натижасида барқарор ривожланиш таъминланиб, ижобий ўзгаришлар кузатилмоқда.

NAZORAT

ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ҲАР ҚАНДАЙ ҚОНУН

ДАВЛАТ ВА ШАХС МАНФААТЛАРИ ҲИМОЯСИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Прокуратура органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишга оид фармон ва қарорлари, шунингдек, қабул қилинган қонунлар ижросини таъминлашга қаратилган назорат тадбирлари амалга оширилиб, бу ўз навбатида, соҳада қонун бузилиши ҳолатларининг олдини олишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси ўтказган мониторинг ва текширишлар натижасида жорий йилнинг олти ойида 180 га яқин прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилиб, жиддий қонун бузилиши ҳолатлари бўйича иккита жиноят иши қўзғатилди, 26 нафар шахснинг ҳуқуқлари тикланди.

Назорат тадбирларида асосий эътибор жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари, деҳқон ва фермер хўжалиқларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ер ажратишда қонунларга риоя қилиниши, гидротехника, мелиорация иншоотларини таъмирлаш учун ажратилган маблағнинг тўғри сарфланиши, қишлоқ хўжалиги техникаларини ишлатишда ҳўжасизликнинг, минерал ўғит ва ёнилғи талон-торож қилинишининг олдини олиш, озиқ-овқат дастурлари ижросини таъминлаш каби масалаларга қаратилди.

Олти ой давомида ҳар бир қарич ерининг қадрини биладиган, ҳалол ва виждонан меҳнат қиладиган деҳқонларимизга 188 гектар ер айнан фермер хўжалиги ташкил этиш мақсадида олиб берилиши таъминланди. Шу билан бирга, соҳа вакилларига банклардан 2,2 миллиард сўм кредит, 111 миллион сўм иш ҳақи, 703 миллион сўм нақд пул, 17 тонна нефть маҳсулотлари, 1,5 тонна омухта ем, 51 тонна минерал ўғит, 6,4 миллион сўмлик эҳтиёт қисмлар ажратилишида, 24 та ҳолатда эса техникаларни ҳўжжатлаштиришда амалий ёрдам кўрсатилди.

Албатта, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш орқали мамлакатимиз иқтисодиётининг юксалиши, дастурхонларимизнинг тўқин-сочинлиги ва табиийи, халқимиз ҳаётининг фаровонлиги таъминланади. Шундай экан, бу борадаги ишлар фақат қонун доирасида бўлиши лозим. Бундай дейишимизга сабаб шуки, ер тўғрисидаги қонунлар ижроси ўрганилганда айрим жавобгар шахсларнинг қонунга зид ҳаракатлари аниқланмоқда. Хусусан, ўтказилган мана шундай тадбирлар якунига кўра 8 нафар шахс расман огоҳлантирилиб, қонунга зид бўлган ҳўжатларга нисбатан 23 та протест келтирилди. Қонун бузилишини бартараф қилиш мақсадида 7 та тақдирнома киритилиб, айрим шахслар жавобгарликка ҳам тортилди.

Гап қишлоқ хўжалиги ҳақида кетар экан, бунда сув ва гидротехника иншоотларидан оқилана фойдаланиш муҳим аҳамиятга эгаланиши таъкидлаш лозим. Бу борада прокуратура органлари томонидан мунтазам равишда текширишлар ўтказилапти. Аниқланган қонун бузилиши ҳолатларини бартараф қилиш мақсадида прокурор таъсир чоралари қўлланоқда. Хусусан, давлатга етказилган 3,2 миллион сўмлик зарарнинг ихтиёрий равишда тўланиши ва 18 нафар шахснинг бузилган ҳўқуқлари тикланиши таъминланди. Масалан, "Эликқалъа давсув-маҳсуспудрат" давлат унитар корхонасида 2018 йил дастурига киритилган "КТ-1" ва "К-5" коллекторининг реконструкция қилиниши ўрганилганда жами 717 минг сўмлик ишлар бажарилмасдан, ушбу маблағ талон-торож қилинган аниқланди ва корхона раҳбари жавобгарликка тортилди.

Шунингдек, ўтказилган назорат тадбирлари натижасида кўра 1 та жиноят иши қўзғатилди. Хусусан, Тўрткўл туман ирригация бўлими ҳисоботларида Бозорқалъа каналининг 10 км. қисмида 40,1 миллион сўмлик тозалаш, таъмирлаш ҳамда тиклаш ишлари олиб борилгани кўрсатилган. Аммо текширишда аниқланишича, 6,6 км. жойда 26,5 миллион сўмлик Калтаминор каналда эса 1,8 км. жойда 11,6 миллион сўмлик ишлар бажарилмаган. Оқибатда бюджетга тегишли 38,1 миллион сўм пул талон-торож қилинган.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилиши, сақланиши ва реализация қилиниши тўғрисидаги қонунлар ижроси юзасидан ўтказилган текширишларда ҳам қатор камчиликлар маълум бўлди. Масалан, Тўрткўл тумани "Шўраҳон" сув истеъмолчилари уюшмаси раиси Х.Розумов фермер хўжалиқларини сув билан таъминлаш, каналлардан олинган сувнинг ҳисобини юритиш журналларини юритмагани оқибатда "Шўраҳон" ОФЙда сув сарфи ошиб кетгани аниқланди ва

минлаш давлат, жамият ва фуқаролар ҳаётида катта аҳамиятга эга. Мана шундан келиб чиққан ҳолда таъкидлаш кераки, прокуратура органлари шартнома интизоми юзасидан ўтказган назорат тадбирлари натижасида қонун бузилишига йўл қўйган икки нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилиб, етказилган 1,2 миллион сўмлик зарар ихтиёрий тўланишига эришилди. Масалан, Беруний туманидаги Қирғоқларни ҳимоялаш дамбалари ва ўзанларни тартибга солиш иншоотлари бошқармаси бошлиғи Б.Иброҳимов ҳамда бош ҳисобчиси Г.Матризаева бошқарманинг бульдозер ҳайдовчиси М.Абдуллаева ишда бўлмаган кунлари учун жами 1 миллион 459 минг 421 сўм иш ҳақи тўлаб бергани аниқланди ва уларга нисбатан маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилиб, жавобгарлик масаласи ҳал этилди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилиши, сақланиши ва реализация қилиниши тўғрисидаги қонунлар ижроси юзасидан ўтказилган текширишларда ҳам қатор камчиликлар маълум бўлди. Масалан, Тўрткўл тумани "Шўраҳон" сув истеъмолчилари уюшмаси раиси Х.Розумов фермер хўжалиқларини сув билан таъминлаш, каналлардан олинган сувнинг ҳисобини юритиш журналларини юритмагани оқибатда "Шўраҳон" ОФЙда сув сарфи ошиб кетгани аниқланди ва

Умуман, Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси органлари томонидан жойларда юқоридагилардан бошқа қонун ҳўжатлари ижроси юзасидан ўтказилган текширишлар натижасида қонунга зид ҳўқуқий ҳўжжатларга нисбатан 32 та протест келтирилиб, 6 та тақдирнома киритилди, 15 нафар шахс интизоми, 11 нафари маъмурий жавобгарликка тортилди.

Хулоса ўрнида айтмоқчи-манки, шиддат билан ривожланиб бораётган бугунги даврда прокуратура органлари зиммасига жуда катта ва масъулиятли вазифалар юклатилган. Бундан қўзланган мақсад эса аввало инсон ҳўқуқлари ҳимоясининг кафолатларини сўзсиз таъминлаш, қонун ҳамда адолат устуворлигини қарор топтириш ҳисобланади. Шу боис биз ушбу масъулиятли вазифаларни бажаришда ўз ваколатларимиз, билим, тажриба ва имкониятларимизни ишга солиб, асосий эътиборни, қайси соҳа бўлишидан қатъи назар, қонун бузилиши ва шунга ўхшаш салбий ҳолатларни барвақт аниқлаш ҳамда уларнинг олдини олишга қаратамиз.

Даулетбай ЕЛМУРАТОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси
прокурорининг ўринбосари

Соҳага оид қонунчилик бўйича 180 га яқин прокурор назорати ҳўжжатлари қўлланган.

Бундан ташқари, 14 миллион сўм иш ҳақи ҳамда 12,5 миллион сўмлик дизель ёнилғиси ҳўжжатларни қалбақлаштириб, талон-торож этилган. Табиийки, қайд этилган ҳолатлар юзасидан Тўрткўл туман ирригация бўлими мансабдорларига нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, жазо муқаррарлиги таъминланди.

Қонун устуворлиги мамлакат тарқиқийнинг гаровиди. Қонун талабларининг аниқ ва бир хил бажарилишини таъ-

минлаш давлат, жамият ва фуқаролар ҳаётида катта аҳамиятга эга. Мана шундан келиб чиққан ҳолда таъкидлаш кераки, прокуратура органлари шартнома интизоми юзасидан ўтказган назорат тадбирлари натижасида қонун бузилишига йўл қўйган икки нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилиб, етказилган 1,2 миллион сўмлик зарар ихтиёрий тўланишига эришилди. Масалан, Беруний туманидаги Қирғоқларни ҳимоялаш дамбалари ва ўзанларни тартибга солиш иншоотлари бошқармаси бошлиғи Б.Иброҳимов ҳамда бош ҳисобчиси Г.Матризаева бошқарманинг бульдозер ҳайдовчиси М.Абдуллаева ишда бўлмаган кунлари учун жами 1 миллион 459 минг 421 сўм иш ҳақи тўлаб бергани аниқланди ва уларга нисбатан маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилиб, жавобгарлик масаласи ҳал этилди.

ҲУНАРМАНДЛАРИМИЗНИНГ ИШТИЁКИ БАЛАНД

JARAYON

Қўқон шаҳрида илк бор ўтказилаётган халқаро хўнармандчилик фестивалида фарғоналик 230 нафар хўнарманд иштирок этади.

Мамлакатимизда миллий хўнармандчиликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон дунёда халқ амалии санъати ва хўнармандчиликнинг энг қадимий турлари, анъаналари, ўзига хос услублари ва мактаблари сақланиб қолган мамлакат сифатида алоҳида ўринга эга. Хўнармандларимиз яратган маҳсулотлар аллақачон жаҳон бозорида ўз ўрнини топган. Фарғона вилоятида ҳам мазкур соҳа жадал ривожланиб, хўнармандлар сафи тобора кенгаймоқда.

Марғилонлик хўнармандлар энг қадимги матолардан банорас ва адрасларни унутилиб кетган қудин усулида ишлаб чиқаришни йўлга қўйди, шунингдек, чигтарлик хўнари қайта тикланди. Бу йил Марғилон шаҳар Бурхониддин Марғинович кўчасида кичик хўнармандчилик маркази иш бошлади. Риштон туманида ҳам қўллаб қувватлаш устохоналари ташкил этилди.

Бугунги кунда хўнармандчилик туризмнинг ажралмас қисмига айланди. Қадим шаҳарларимиз кўрки, мамлакатимизнинг экологик табиатиға ҳамоҳанг яратилаётган хўнармандчилик намуналари сайёҳлар эътирофиға сазовор бўлмоқда. Марғилон, Қўқон шаҳарлари ва Риштон туманида миллий хўнармандчиликни кенг тарғиб этишға муҳим эътибор қаратилмоқда.

Айни кунларда Қўқон шаҳрида ўтказилаётган халқаро хўнармандчилик фестивалиға вилоят хўнарманд-

лари ҳам катта тайёргарлик кўраётти. Шаҳарда хўнармандлар бозори ташкил этилаётти. Фестиваль доирасидаги тадбирларда ҳам миллий хўнармандчилигимизнинг ўзига хос жиҳатларини намойиш этишға алоҳида эътибор қаратилди. Хўнармандлар танлови, хоржий ва маҳаллий усталарнинг маҳорат дарслари, кўргазмалар бўлиб ўтади.

Мазкур анжуман хўнармандчилик анъаналарини сақлаш, қайта тиклаш, бу соҳадаги илмий изланишларни ҳамкорликда амалга ошириш, ўзаро тажриба алмашиш ҳамда маҳорат дарслари ташкил этиш, иқтидорли хўнармандларни рағбатлантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Ўртимиз хўнармандлари ҳам мазкур фестивалнинг кўрик-танловида ғолибликни қўлга киритиш ниятида.

ЎЗА

4 сентябрь кўни мамлакатимиздаги барча ўқувчи ўрта таълим мактабларида янги ўқув йили бошланиб, биринчи қўнғироқ садалари янгради. Ҳўнармандчилик мактабларида "Жонажон Ўзбекистоним, мангу бўл омон!" шiori остида мўстақиллик дарси бўлиб ўтди.

5-SENTABR 2019-Ҳ.
HUGUJ N: 36
(181)

3

ХАЛҚ ХИЗМАТИДА

Сўнгги йилларда вилоятимизда ҳам мисли кўрилмаган бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Мавжуд корхоналар тўла қувват билан ишлаши учун реконструкция қилинмоқда. Янги-янги корхоналар ишга тушириляпти. Фойдаланилмасдан бўш турган биноларда ишлаб чиқариш йўлга қўйилапти. Импорт ўринлари бошсучи ҳамда экспортбоп сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш, истеъмолчиларга савдо-хизмат кўрсатиш кўлами ортиб бормоқда. Кўпқаватли, ойнаванд савдо ва хизмат кўрсатиш, турар жой бинолари, кенг ва раво йўллар, кўприклар қуриляпти. Шаҳар ҳамда қишлоқлар о bod ва кўркам қиёфа касб этмоқда. Янги иш ўринлари яратилапти. Туб ислохотлар жараёнида эҳтиёжманд аҳоли ижтимоий ҳимояга олинапти.

уйда яшовчи Ш.Жўраеванинг иш билан таъминлашда амалий ёрдам сўраб қилган мурожаати ҳам жойида ижобий ҳал этилиб, мутахассислиги бўйича "Қувасой МаШТеххимзат" масъулияти чекланган жамиятига ҳисобчи вазифасига ишга жойлаштирилиши таъминланди.

Сайёр қабулда бўлган мурожаатга асосан Кўштепа туман прокурорининг ташаббуси билан "Урта Ҳўчи" маҳалла фуқаролар йиғини худудида истиқомат қилувчи аҳолини узлуксиз электр энергияси билан таъминлаш мақсадида янги электр тақсимлаш қурилмаси (ЭТҚ) ўрнатилиб, 300 метр масофага электр симлари тортилда ва янги 6 та бетон танч ўрнатилди. Шунингдек, "Ҳўчи" маҳалла фуқаролар йиғини Янги Фарғона кўчасини ободонлаштириш ишлари ташкиллатилди, 400 метр ариқлар қавланди, 1,5 км. масофадаги йўллар чети тозаланди.

Вилоят прокуратураси томонидан мамлакатимизда нишонланган Қурбон ҳайити муносабати билан тўлиқсиз оилаларда истиқомат қилувчи 50 нафарга яқин мактаб ёшидаги болаларга мактаб кийимлари, ўқув қуроллари, озиқ-овқат маҳсулотлари ва электр печлар

миллион сўмга яқин моддий ёрдам ва бепул дори-дармонлар берилиши, 46 нафар фуқарога тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун имтиёзли кредитлар ажратилиши ва 48 нафар фуқаронинг коммунал хўжалик билан боғлиқ муаммолари ҳал этилиши таъминланди.

Қабуллар жараёнида бўлган мурожаатларга асосан 1700 метрдан ортиқ масофага янги ичимлик суви тармоғи тортилди, 5,2 км. масофадаги зовурлар қавланди, 8 та кўчага шағал ётқизилиб, 377 та хонадоннинг йўли текисланди. Хусусан, Учкўприк туманида жорий йилнинг 15 август куни ўтказилган сайёр қабул домида 82 нафар фуқаронинг мурожаати тингланиб, 74 та ёзма мурожаат қабул қилинди ҳамда уларнинг аксарияти шу эрининг ўзида ижобий ҳал этилди. Туманинг Бобошбек қишлоғида истиқомат қилувчи 2-гурӯх ногирони М.Сирождидинованинг ногиронлик аравачаси билан таъминлашни сўраб бир нечта ташкилотга мурожаат қилган бўлса-да, ушбу масала ҳал бўлмаётганидан норози бўлиб қилган мурожаати шу жойининг ўзида ижобий ҳал этилиб, унга ногиронлик аравачаси берилиши

Аббосхон НАСРИДДИНОВ,
Фарғона вилоят прокурори
сектори котиби

воланишга муҳтожлиги аниқланиб, уларни шифохонага жойлаштириш масаласи ҳал қилинди ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари тақдим этилди.

Фуқаро С.Хотамбекованинг хонадонига ўтказилган ўрганишда 2 нафар воёга етмаган фарзанди билан яшаётгани, ҳозир ёлланма ишчи сифатида ишлаб оила тебратётгани, хонадони таъмирга муҳтожлиги аниқланиб, оиллага моддий ёрдам тариқасида озиқ-овқат етказиб берилди ва хонадонини таъмирлашга амалий ёрдам бериш бўйича чора-тадбирлар белгиланди. Шунингдек, худуддаги ижтимоий соҳа объектларидаги шароитлар ва уларда куз-қиш мавсумида тайёргарлик аҳоли ўрганилди. Жумладан, 11-умумтаълим мактабининг иситиш тизимида муаммолар мавжудлиги, спорт майдончаси таъмирталаб экани ҳамда мактаб кутубхонасига адабиётлар етишмаслиги аниқланиб, ушбу муаммоларни бартараф этиш назоратга олинди.

Тумандаги 31-мактабгача таълим муассасасида тарбияланувчиларга яратилган шароитлар талаб даражасида эмаслиги, болалар йўлакчалари асфальтланмагани каби муаммоларни бартараф этиш бўйича мутасадди ташкилотларга кўрсатмалар берилиб, ижроси назоратга олинди.

Халқимизга сидқидилдан хизмат қилиш, фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини таъминлаш прокуратура органи фаолиятининг асосий мезонига айланди. Эҳтиёжманд оилалар ижтимоий ҳимояга олинган ҳолда амалга оширилган туб ислохотлар, тадбиркорликнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши, иқтисодиётнинг жадал ривожланиши, янги иш ўринлари яратилиши, турли ижтимоий муаммолар ҳал этилиши жараёнида турмуш даражаси ва сифати яхшиланиб бораётган юртношларимиз энг улғун, энг азиз сана - мустақилликнинг 28 йиллигини хуш кайфиятда қарши олиб, ифтихор туйғулари билан нишонлашмоқда.

FAOLIYAT

ОИЛАДА КИРАР ЖОНИМ, БЕРАРДА ЧИҚАР ЖОНИММИ?..

Хуришд ОЧИЛОВ,
МИБ Сергели туман бўлими бошлиғи

Инсон жамиятдан айро ҳолда яшай олмайди. Одамлар ўзаро мулоқот, муомала-муносабатда бир-бирлари билан яқинлик ўрнатадилар. Қолаверса, қийин пайтларда бир-бирини қўллаш, маънавий, моддий ёрдам бериш, йиқилганда сўяб, қокилганда қўлидан тутиб, ўртадаги муносабат, яқинлиқни янада мустаҳкамлаш инсоний фазилатлар сирасига киради. Бундай жараёнларда қарз олди-бердиси ҳам юзага келади. Бугунча келиб, қарз олди-бердиси ортидан келиб чиқаётган муаммоли вазиятлар, одамларнинг бир-бирига ишончсизлик билан қарashi ва қарз олиб қайтаришни пайсалга соладиганлар ҳисобида кўпчилик бу савоб ишдан ўзини олиб қочадиган бўлди.

Х.Тошпўлатов фойдасига 80 миллион 900 минг сўм ва 13 минг АҚШ доллари миқдорига зарар ундириш белгиланган эди.

Мазкур ижро ҳужжати ижросини таъминлаш ҳамда қарздорнинг мол-мулкларини аниқлаб, ундирувни қарздорнинг мулқига қаратиш мақсадида Тошкент шаҳар ИИББ ЙХБга, «Тошкент шаҳар Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри» давлат корхонаси ҳамда банк муассасаларига сўров юборилган. Сўровларга олинган жавоб хатларига кўра, қарздорнинг но-


мига кўчмас мулк объектлари ва автомобилотранспорт воситалари давлат рўйхатидан ўтказилмаганили ҳамда банк ҳисоб рақамлари очилмаганили аниқланган.

Мажбурий ижро ҳаракатларини амалга ошириш жараёнида 2017 йил 23 ноябрда қарздорнинг Ўзбекистон Республикасидан чиқшини вақтинча чеклаш тўғрисида қарор ҳам қабул қилинган.

Бюронинг Шайхонтоҳур туман бўлими томонидан олиб борилган мажбурий ижро ҳаракатлари давоми-

да 2019 йил 15 март куни МИБ портал электрон дастури орқали сўров юборилганда, қарздор О.Дусобоев таъсисчилигидаги 100 фоиз улуш билан "Beton maxsus konstruksiya" ва "Caspian agro example" жамиятлари борлиги аниқланиб, қарздор таъсисчилигидаги жамият ҳисоб рақамларига банд солинди ҳамда инкасса топшириқномалари юборилди.

Ушбу жамиятлар ҳисоб рақамларидаги пул маблағлари инкасса топшириқномаларига асосан ечиб олиниб, 4 йилдан буён ундирилмиш лозим бўлган 80 миллион 900 минг сўм ва 13 минг АҚШ доллари миқдоридида зарар Х.Тошпўлатовга Бюронинг Шайхонтоҳур туман бўлими томонидан ундириб берилди.



Қарз муносабатни бузади деган гап ҳам бежиз пайдо бўлмаган. Бугунги кунда қарз олди-бердиси тўғрисида жуда қўллаб-қувватлаш, уруш-жанжаллар, қариндош-уруғ, дўст-ёрлар орасининг бузилиши келиб чиқмоқда. Катта миқдордаги қарзлар бир неча йиллардан бери тўланмаган. Натижанда иш судга-ча бориб, таниш-билишлар, қариндош-уруғлар бир-бири билан судлашиб юради.

Жиноват ишлари бўйича Сергели туман судининг ижро варақасига асосан, қарздор О.Дусобоевдан ундирувчи

Она ерни асраб-авайлашга ҳар биримиз масъулмиз

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев барча чиқишларида она еримизни асраб-авайлаб, унинг ҳосилдорлигини йилма-йил ошириб бориш, қишлоқ ҳўжалигида экологик тоза биологик ва органик ўғитлардан самарали фойдаланиш кераклигига урғу бериб, бунинг замирида мўл ҳосил олиш, энг асосийси миллат саломатлиги ётганини, шундагина келгуси авлод биздан рози бўлишини уқтириб ўтади.



Муродилжон МЎМИНОВ,
Бош прокуратура бошқарма
прокурори

Афсуски, охириг йилларда республикада кимёвий-техноген технологиялар кенг қўламда қўлланмоқда. Тўғри, бу орқали қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлашда маълум бир ютуқларга эришилди. Шу билан бирга, бу катта меҳнат ва маблағ сарфланишидан ташқари тупроқ унумдорлиги пасайишига ҳам олиб келди. Тупроқ таркибидagi гумус миқдори камайиб кетиши ҳисобига тупроқнинг табиий унумдорлиги ва экинларнинг ҳосилдорлиги, сифати пасайгани кузатиляпти.

Маҳаллий ҳокимликлар 378 та ҳолатда 15 218 гектар, Ергөдездакадстр ҳодимлари 6 та ҳолатда 4 гектар, фермер ҳўжаликлари 88 та ҳолатда 622 гектар, деҳқон ҳўжаликлари ёки томорка ер эгалари 6 та ҳолатда 1 гектар ҳамда бошқалар 7 та ҳолатда 47 гектар экин ерини ноқонуний равишда ажратиб бергани аниқланган.

Маҳаллий ҳокимликлар томонидан ноқонуний ажратилган ер майдонлари асосан Жиззах (12 519 гектар), Фарғона (918), Навоий (454), Наманган (444), Сирдарё (355), Самарқанд

Юқоридaги салбий ҳолатлар мавжуд бўлса-да, Жиззах, Наманган, Фарғона, Сурхондарё, Хоразм вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси томонидан етарли назорат ўрнатилмаган.

Шу билан бирга, фермер ҳўжаликлари раҳбарлари ҳамда ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими ҳодимлари томонидан экин ерларини фуқароларга сотиш йўли билан муомаладан чиқариш ҳолатларига ҳам ҳамон барҳам берилмаган.

Бу каби қонун бузилишлар асосан Жиззах, Қашқадарё, Наманган, Самарқанд, Фарғона вилоятларида кенг тус олган. Хусусан, Шароф Рашидов туманидаги «Афруз кумуш фазз» фермер ҳўжалиги раҳбари А.Анорбоев қишлоқ ҳўжалиги ерлари ҳисобидан уй қуриш учун Н.Носировга 0,06 гектарини 8 миллион сўм, Ш.Умуразоқова 0,06 гектарини 12 миллион сўм, Д.Бекмуродова 0,06 гектарини 15 миллион сўм ҳамда Т.Бойматовга 0,48 гектарини 55 миллион сўмга сотиб, пулини ўзининг шахсий манфаати йўлида ишлатиб юборгани аниқланди.

Мазкур мансабдор ва масъул шахслар ҳозир суд қарорларига асосан жиноий жавобгарликка тортилиб, жазо муқаррарлиги таъминланган.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, экинлардан олинadиган ҳосилнинг ярми минерал ўғитлар ҳисобига яратилади,

Аҳолининг юқори сурьатда қўпайиши натижасида сўғориладиган ер майдонлари 24 фоиз қисқарган.

Прокуратура органлари томонидан ердан оқилона фойдаланиш, ер ажратишда суистеъмолчилик ва таниш-билишчиликка йўл қўймаслик борасида назорат ишлари мунтазам олиб борилмақда.

Таҳлиллар, соҳадаги қонунийлик аҳоли бу йўналишда қонун бузилишларининг олдини олиш, ҳуқуқбузарларга нисбатан жазо муқаррарлигини таъминлаш чораси қўрилмасдан, прокурор назорати сўсайтириб юборилганини кўрсатди.

Аҳолининг юқори сурьатда қўпайиши, қишлоқ ҳўжалиги ерларининг бошқа тоифага ўтказилиши ва глобал иқлим ўзгариши таъсирида мамлакатда охириг 15 йил давомида аҳоли жон бошига тўғри келadиган сўғориладиган ер майдонлари 24 фоиз (0,23 гектардан 0,16 гектаргача) қисқарган.

Шундай шароитда айрим ҳудудларда унумдор ерларни асраб-авайлаш ўрнига, ердан ноқонуний фойдаланиш, уни талон-торож қилиш ёки асосиз бериб юбориш оддий ҳолга айланган.

Ер бериш тартибини бузган мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги масаласи қатъий ҳал этилмаётгани оқибатида бу каби қонун бузилишларига тўлиқ барҳам берилмапти. Хусусан, утган ярим йилликда 15 892 гектар ер ноқонуний ажратилган бўлса, 839,6 гектар ердан ноқонуний фойдаланиб келинган.

Жиззахда 12 589, Фарғонада 966, Қорақалпоғистонда 534, Навоийда 454, Наманганда 446, Сирдарёда 356, Самарқандда 321, Андижон ва Хоразмда 109 гектар ер ноқонуний ажратилган.

(281) ҳамда Хоразм (105) вилояти ҳисобига тўғри келади.

Текшириш ва мониторинглар давомида ноқонуний ажратилган жами 6 732 гектар ер захирага қайтарилши таъминланди.

Шу билан бирга, республика бўйича 2019 йил 1 июлгача туман ҳокимликлари захирасида 1 миллион 544 минг гектар ер, шундан 228 420 гектар сўғориладиган майдон бўлса-да, белгиланган тартибда ажратилган чоралари қўрилмай қолган.

Бундай ерлар асосан Қорақалпоғистонда 96 641, Жиззах вилоятида 27 008, Сирдарё вилоятида 24 070, Қашқадарё вилоятида 19 081, Наманганда 16 820, Сурхондарёда 12 147, Хоразмда 11 092, Тошкентда 9531, Навоийда 7 114 ва Андижонда 4829 гектарни ташкил қилади.

Шунингдек, сўғориладиган ерларнинг ҳолати ёмонлашиб бораётгани ҳам яна бир муҳим масала ҳисобланади. Хусусан, 2013 йилнинг 1 январида 347 769 гектар ернинг ҳолати ёмон деб эътироф этилган бўлса, ҳозирга келиб бу кўрсаткич 456 859 гектарга тенг.

Хусусан, 191 366 гектарининг мелиоратив ҳолати ёмонлиги, 207 507 гектарига сув етишмаслиги, сўғориш иншоотлари яроқсиз ҳолатга келиб қолгани, 19 293 гектари мелиорация тармоқлари ишламаслиги оқибатида ишдан чиққани, 11 871 гектари ўта тошқон ва гипс қатламли ерлар эканлиги, 23 936 гектари сурункасига экин экилмагани сабабли ишдан чиққани, 1768 гектари фойдаланилмаётган бўз ерлар экани аниқланган.

Фермер ҳўжалиги раҳбари ерни фуқароларга 90 млн. сўмга сотиб юборган.

аммо деҳқончиликда қўлланаётган пестицидлар тупроқдаги микроорганизмларга салбий таъсир кўрсатиб, тупроқ таркибидaги озиқ моддалар миқдорини камайтиради. Унумдорлиқни тиклаш максатидa тупроқдаги микроорганизмлар ривожланиши учун мақбул шароит яратиш ва уларни тиклаш зарур, фақатгина шу йўл билан патоген (касаллик келтириб чиқарувчи) микроорганизмлардан тупроқни тазолаш мумкин. Биологик ўғитларни, айниқса (эффeктив микроорганизмлар) ЭМ-технологияларни қўллаб, пахта ва бугдой ҳосилдорлиги ва сифатини яхшилаш мумкин, бу қишлоқ ҳўжалиги ривожланган давлатлар тажрибасида исботланган.

«Байкал ЭМ-1» ўғити 30 та медал ҳамда 25 та диплом билан тақдирланган, 2007 йили ЮНЕСКО раҳнамолигида Россияда ўтказилган халқаро конференцияда «XXI аср технологияси олтин сифат белгиси» совриндори бўлди. 2015 йили Европа давлатларининг Болгарияда ўтказилган қишлоқ ҳўжалиги кўргазмасида «тенги йўқ микробиологик инновацион ўғит» деб эътироф этилиб, катта олтин медал ва диплом билан мукофотланди.

Бу препаратни қўллаш орқали қишлоқ ҳўжалигига янги инновацион технологияларни жорий этиш, ернинг унумдорлигини ошириш, экологик тоза маҳсулот етиштириш ва энг асосийси миллат саломатлигини яхшилашга замин яратилади.

Фуқароларнинг халқаро ва миллий стандартларга оид билимларини ошириш, уларда ҳуқуқни қўллаш кўникмаларини ҳамда фаол фуқаролик позициясини шакллантириш демократик жамият қуришининг устувор вазифаларидан биридир. Бу каби ишларни амалга оширишда юртимизда ташкил этилган юридик клиникалар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Юридик клиника билан ҳамкорлик

Жамшид ТЕМИРОВ,
Тошкент ҳарбий прокурорининг ўринбосари

Бундай клиникалар фуқароларга бепул оғзаки ва ёзма шаклда ҳуқуқий маслаҳат бериш, мурожаат (ариза, шикоят, таклиф), илтимоснома ва бошқа шаклдаги ҳуқуқий ҳужжатларни тузишда кўмаклашмоқда.

Айни вақтда Тошкент давлат юридик университетининг юридик клиникасида ҳам фуқароларга бeғараз юридик маслаҳат кўрсатиш йўлга қўйилган бўлиб, у жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинишида самарали қўллаш қилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январь кунги фармони билан тасдиқланган «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш» концепциясини 2019 йилда самарали амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси»га асосан жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириб бориш, қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлаш борасида прокуратура органлари олдига юридик олий таълим муассасалари билан алоқаларни кучайтириш бўйича бир қатор вазифалар қўйилган.

Шунга асосан, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси университет юридик клиникаси билан ҳамкорлик йўлга қўйди. Эндilikда ҳарбий соҳадаги жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликка оид масалалар бўйича юридик клиникага келиб тушган мурожаатларнинг кўрб чилишида, шунингдек, фуқароларга мазкур соҳада маслаҳатлар бeрилишида Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси ўз имониятларидан келиб чиқиб, иштирок этиб боради.

«Росатом» 2020 йил бошида Ўзбекистонда атом электр станцияси қуриш ишларини бошлашни режалаштирмоқда. Бу ҳақда давлат корпорацияси бош директори Алексей Лихачёв маълум қилди.

Халқимизнинг неча минг йиллик тарихга эга афсона-ю асотирларида, мақолу маталларида юксак тафаккур хазинаси жамланганки, улар бежиз чексиз уммонга қиёсланмайди. Бу — ҳаётӣ ҳақиқат. “Ховли олма, қўшни ол”, “Узоқдаги қариндошдан яқиндаги қўшни яхши”, “Қўшнинг тинч — сен тинч”, “Тилам сотсанг қўшнингга сот — бир чеккасида ўзинг ўтирасан” ва ҳоказо. Ҳаётда бу мақолларнинг ҳар бирига истаганча мисол топиш мумкин.

Шу маънода олиб қаралганда, журналист Ғофуржон Алимовнинг “Ҳуқуқ” газетасининг 2019 йил 15 август сонида чоп этилган “Қўшничилик — минг йилчилик эмасми?..” сарлавҳали мақоласида долзарб мавзу кўтарилган. Ҳақиқатан ҳам нафақат қўни-қўшнилари, балки қариндош-уруғлар орасида ҳам меҳр-оқибат кўтарилиб бораёпти. Баъзи фарзандлар ота-онасини телефон орқали йўқлаш билан чекланиб қолмоқда. Ахир меҳр кўзда, дийдорлашишда эмасми?

AKS SADO

ДЕВОР ОШГАН ОҚИБАТ

ЁХУД ҚЎШНИЧИЛИК ЗАМИРИДА АҲИЛЛИК, ОҚИБАТУ САҲОВАТ КАБИ ҒЎЗАЛ ФАЗИЛАТЛАР МУЖАССАМ



Норбўта ҒОЗИЕВ,
«НУҚУС»

Сиз бошқа одамларга нисбатан қўшини билан энг кўп муомалада бўласиз. Шунинг учун қўшни қариндошингиздан кейин сиз учун энг яқин кишилардан ҳисобланади. Демак, сиз қўшини билан ўз ака-укангиздек яхши қўришингиз, унинг иззат-ҳурматини адо қилишингиз, сўзлашганда лутфу марҳамат кўрсатишингиз, учрашиб қолганда очик юзли бўлишингиз лозим.

“Қудачилик — минг йилчилик” деган гап бор. Қўшничилик ҳам шундай. Илгари бобо-ю моларимиз ховли қураётган ўғилларига “Иморатингни қўшинингидан баланд қурма!” дейишар эди. Ҳозир эса баъзи бировлар кимўзарга пойга қўйишарми.

Бу мулоҳазалар кимгадир арзимас, ҳатто майда-чуйда гапдай туюлиши мумкин. Аслида эса қўшничиликда ҳамма нарса жуда муҳим. Ҳар бир маҳалладаги аҳиллик, фаоллик қўни-қўшнилари самими муносабатига бориб тақалади. Қўшнилари иноқ яшаса, ҳар қандай ижтимоӣ, иқтисодӣ ва маънавий муаммо албатта ўз ечимини топади. Ариқлардан шариллаб сув оқиб туради, чиқиндилар вақтида ташиб кетилади. Беморлар, ёлғиз кишилар эътиборсиз қолмайди. Чунки қўшничилик муносабатларини меҳр-оқибат бошқаради.

Ислоҳ динида қўшничилик муносабатларига катта эътибор берилган. Жумладан, Қуръони каримнинг Нисо сураси 36-оятда шундай дейлади: “Аллоҳга бандалик қилинглари ва Унга ҳеч нарсани шерик қилманглари! Отанонангизга ҳамда қариндош-уруғ, етим ва мискинларга, қариндош қўшни ва бегона қўшнига яхшилиқ қилинглари!”

Эътибор берган бўлсангиз, қўшнилари яхшилиқ қилиш динимизда буюрилган энг асосий амаллар билан бир қаторда баён қилинмоқда. Бу эса қўшнинг ҳақ-ҳуқуқлари нақадар муҳим эканлигига ишорадир. Қўшничилик дин, миллат ва ирқ танламайди, қўшни ким бўлишдан қатъи назар, унга нисбатан қўшничилик одоблари асосида муомала қилиш ҳар биримизнинг вазифамиз ҳисобланади. Қўшнига биринчи бўлиб салом

беришга, мулойимлик ва яхшилиқни биринчи бошлашга ҳаракат қилинади. “Бир мўмин билан иккинчи бир мўмин қўл бериб сўрашса, уларнинг ҳузурларига юз раҳмат нозил бўлади, шунинг тўқсон тўққизтаси муомаласи ва хулқи яхшироғига бўлади”, — дейилади ҳадиси шарифда.

Қўшни бетиб бўлиб қолса, хоҳ ўйда, хоҳ шиғохонда бўлсин, бориб ҳолидан хабар олиш, мусибат етганда ҳамдардлик билдириш, мабодо тўй каби турли шодийналарни нишонлаш арасида қўшнинг бошига мусибат тушиб қолса, ундан рухсат олган ниҳоятда одоб билан шодийна ўтказиш қўшничилик ҳақла-

тарновига ўз томи сувини йўлламаслик, ховлисига олиб кириб кетаётган нарсаларига назар ташлаб аланглайвермаслик, сўзлашувига қўлқолиб гап ўйрламаслик қўшничилик одоблари сирасига қиради.

Алоҳида аҳамият бериш лозим бўлган одоблардан бири қўшнинг деворидан мўралмасликдир. Чўни ховлида унинг аёл-қизлари бемаълум юради. Агар икки қўшнинг ховлиси бир-бирига кўриниб турадиган бўлса, ховлида қўшнинг кўрса уят бўладиган ёки гаши келадиган калта, юпка кийимларда юришдан сақланиш керак. Шунингдек, қўшнинг ховлисига фақат чақириб, рухсат сўраб кирила-

ходиса рўй берса, табрикламоқ, бирор мусибат етса, таъзия, ҳамдардлик билдирмоқ, ноқулай иморат куриш ёки сояли дарахтлар экиш ила ҳаққига тажовуз қилмаслик, уйга мева-чева каби нарсалардан келтирганда, қўшнларга ҳам улашмоқ, агар бергани келмаса, ўз болаларини мевалар билан қўшни болалар олдига чиқармаслик, қозонни қирганда қапгир овози ёки таом ҳиди билан қўшнига кўз-кўз қилмаслик, ҳатто унинг итини урмаслик лозим.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга саҳобалари бир аёлни маҳд қилиб, мактабдилар: “Бир аёл бор, кечалари бедор бўлиб намоз ўқийди, кундузи рўза тутиб, садақа ва эҳсонлар қилади. Аммо қўшнилари тили билан озор бериб туради”. Шунда Расулulloҳ алайҳиссалом: “Ундай аёл мактовга сазовор эмас, балки у дўзах аҳлидандир”, — деган эканлар.

Дарҳақиқат, қўшничилик ҳақи қўшнига фақат азият бермаслик эмас, балки гоҳида ундан етадиган озор, ёмонликларни кўтариш, уларга сабр қилиш ва кечиримли

Бу мулоҳазалар кимгадир арзимас, ҳатто майда-чуйда гапдай туюлиши мумкин. Аслида эса қўшничиликда ҳамма нарса жуда муҳим.

ридан ҳисобланади. Чунки бундай ҳолда қўшнинг кўнгли чўкиб, хафалиги янада зиёда бўлиши мумкин. Шунинг учун тўй ёки бошқа шодийна уйдан бошқа жойда, мисол учун тўйхонада ўтказилган тақдирда ҳам қўшнига алоҳида илтифот кўрсатиб кўнглини кўтаришга ҳаракат қилиш мақсадга мувофиқ.

Қўшнини хурсандчилик кунларида муборакбод этиб шодийнага шерик бўлиш, янги ютуқларга эришишга тилак билдириш, хатосини кечириб,

ди. Қўшни сафарга кетганда унинг омонатини сақлаб, уйдан хабардор бўлиб турилади. Қўшни йўқ вақтда унга меҳмон келиб қолса, уй эгаси келгунча меҳмонларга эҳтиром кўрсатиб туриш лозим бўлади.

Қўшнинг ҳақлари тўғрисида ҳадиси шарифда шундай дейлади: “Агар бирор ёрдам сўраса, ёрдам бермоқ, қарз сўраса қарз бермоқ, моддий ёрдам кўрсатмоқ, касалини кўрмоқ, вафот этса, дафнида қатнашмоқ, бирор севинчи

бўлиш, мулойимлик ва яхшилиқни биринчи бўлиб бошлаш ҳамдир. Ҳасан Басрий айтилади-ларки, “Хуснул живор”, яъни яхши қўшничилик деб фақат қўшнига зарар етказмасликнигина эмас, балки мабодо қўшнилари зарар ёки озор етса, унга тоқат қилиб, жанжал кўтармасликни ҳам айтурлар”.

Тушунмовчилик орқали қўшнилари ўртасига хафачилик тушиб қолса, улар узоқ вақт бир-бирлари билан аразлашиб, гаплашмай, саломлашмай юради. Ваҳоланки, ҳадиси шарифда: “Мусулмон кишига уч кундан ортиқ гиша қўлаб, гаплашмай, алоқани узиб юриш ҳаромдир. Учрашганда юзларини бошқа томонга буриб, кўрмаганга олиб юрган бир пайтда, қайси бири алоқани қайтадан бошлаб юбориш ниятида биринчи бўлиб салом берса, шу киши уларнинг яхшисидир”, — дейилган.

“Ҳикматнома” китобидаги бир ҳикоятда келтирилишича, бир одамнинг ўйида сичкон кўпайиб кетган экан. Сичконларнинг зараридан унинг жони томоққа келган, сичконлар эса гоҳ қопни тешса, гоҳ нонларни кемириб кетарди. Бир куни унинг ўйига дўсти келиб қолди. Уй ичида юғуриб юрган сичконларни кўриб деди:

— Дўстим, сен бир мушук боққин зарур экан, у сичконларни бутунлай қириб ташлайди.

Дўсти бошини чайқади-да: — Айтганинг тўғри, аммо бундай қилмайман. Негаки, сичконлар мушукдан кўрқиб, қўшнимникига қочиб қиради, агар шундай қилсам мен ўзимга раво кўрмаган ишни қўшнимга раво кўрган бўламан, — деб жавоб берди.

Хулоса ўрнида шунини айтиш мумкинки, қўшни деганда фақат маҳаллада, ёнма-ён хонадонларда яшовчи инсонларни тушунмаслик лозим. Қўшни деганда атрофимиздаги қўшни давлатларни ҳам назарда тутишимиз зарур. Доно халқимиз “Қўшнинг тинч — сен тинч” деб бежиз айтмайди. Айниқса, асрлар оша қонқариндошлиқ ришталари мустаҳкам бўлиб келган қўшни давлатлар билан яхши муносабатларни бардавом сақламоқ даркор. Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида қўшни давлатлар билан яхши муносабатлар тикланаётгани эса мактовга лойиқ. Ҳа, қўшничилик — минг йилчилик. Шундай экан, қўшнилари орасидаги муносабатларга ҳеч қачон кўз тегмасин.

TADBIR

Бўлажак аскарлар ҳарбий қисмда

Алишер ҚУРБОНОВ,
Нукус ҳарбий прокуратурининг ёрдамчиси

Нукус ҳарбий прокуратураси ташаббуси билан ички ишлар органларининг профилактик ҳисобида турган тарбияси оғир ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида шахардаги 21131-ҳарбий қисмда очик эшиклар куни ўтказилди.

Тадбирда Нукус ҳарбий прокуратураси, Қорақалпоғистон ички ишлар вазири, 21131-ҳарбий қисм қўмондонлиги, Қорақалпоғистон ёшлар иттифоқи вакиллари, журналистлар иштирок этди.

Ўзбекистонда аскар бўлишни оруз қилмаган бола кам топилади. Уларнинг кўнглидаги мана шу чўғни алангалатиш, ёшларни ҳарбий хизматга қизиқтириш учун ҳарбий техника ва курул-аслаҳалар намоиш қилинди. Нукус гарнизони кутубхонаси, аскарлар ётоқхонасида яратилган шароит билан таништирилди.

Тадбир давомида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган видеоролик ҳам кўрсатилди.



Бола ҳуқуқлари — қонун ҳимоясида

Жўрабек РАҲМОҶОВ,
Хоразм вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси

Мустақиллик йиллари мамлакатимизда бола ҳуқуқларининг кафолатларини кучайтириш, бу борада амалдаги қонунчиликка халқаро ҳуқуқнинг илғор нормаларини татбиқ этишга қаратилган кенг қўламли ишлар қилинган. Бугунги кунда ҳам оналик ва болаликни қўллаб-қувватлаш, болаларнинг маънавий ва jisмоний ривожланиши учун шароит яратиш, шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси талабларига риоя этилишини таъминлашга алоҳида эътибор бериб келинмоқда.

Болаларни ҳимоя қилишга оид давлат сиёсатининг мақсади ёш авлоднинг ижтимоий шаклланиши ва камол топиши, ижодий иқтисоди жамият манфаатлари йўлида тўла-тўқис рўёбга чиқиши учун шароит яратиш ҳамда уларни кафолатлашдан иборат.

Ушбу тамойил Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 декабрда Олий Мажлис палаталарига қилган мурожаатида ҳам ўз аксини топган бўлиб, унда жумладан қуйидаги фикрлар бор: "Халқимизда таълим ва тарбия беришдан бошланади" деган ҳикматли бир сўз бор. Фақат маърифат инсонни камолга, жамиятни тараққийга етаклайди. Шу сабабли таълим соҳасидаги давлат сиёсати узулсиз таълим тизими принципларига асосланиши, яъни таълим бочадан бошланиши ва бутун умр давом этиши лозим.

Ривожланган мамлакатларда таълимнинг тўлиқ циклига инвестиция қилинишига, яъни бола 3 ёшдан 22 ёшга қадар даврда унинг тарбиясига сармоя сарфлашга катта эътибор берилди. Чунки ана шу сармоя жамиятга 15-17 баробар миқдорда фойда келтиради. Бизда эса бу кўрсаткич атиги 4 баробарни ташкил этади.

Бинобарин, инсон капиталига эътиборни кучайтиришимиз, бунинг учун барча имкониятларни сафарбар этишимиз шарт".

Бу борада айниқса Ўзбекистон Президентининг 2019 йил 22 апрелдаги "Бола ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Ривожланган мамлакатларда таълимга киритилган сармоя жамиятга 15-17 баробар фойда келтиради. Бизда эса...

Қарорга мувофиқ Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция талабларини ҳар томонлама ҳаётга татбиқ этиш, Ўзбекистон Конституцияси ва қонунларида назарда тутилган болаларнинг ҳуқуқларини амалда кафолатлаш, уларнинг jisмоний, интеллектуал, руҳий ва маънавий етуқ авлод бўлиб етишишни таъминлаш мақсадида, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда бола ҳуқуқлари кафолатларини кучайтириш белгиланди. Хусусан, ота-она қарамоғисиз қолган болаларга муниципал ва аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондидаги ўзлари яшаб турган турар жойларни улар "Меҳрибонлик" уйларида жойлаштирилган, васийлик ёки ҳомийлик органининг розилигига кўра васийликка ёки ҳомийликка олувчи билан бирга яшаётган бутун вақт мобайнида, ўн саккиз ёшга тўлгунга қадар бронлаштириш ҳуқуқи берилди. Болаларнинг рўйхатда туриш жойи ва фуқаролигидан қатъи назар, уларга барча ижтимоий хизматлар кўрсатилади, болаларнинг давлат органларига қилган мурожаатларини тўлиқ қириш кафолатланади ва бола тўлиқ муомала лаёқатига эга эмаслиги важи билан бу турдаги мурожаатларни кўрмасдан қолдиришга йўл қўйилмайди. Шунингдек, ўн саккиз ёшга тўлганга шахсларга алимент тўлаш ҳақида ота-она ўртасида келишув бўлмаганда ёки элемент иқтисодий равишда тўланмаганда ва ота-онанидан бириртаси ҳам алимент ундириш тўғрисида судга мурожаат қилмаган ҳолларда 14 ёшга тўлган бола ўзининг таъминоти учун ота ёки онадан ёхуд ота-онаси билан бирга яшашга бўлса, бир вақтинчалик ўзида ота-онанинг ҳар иккаласидан қонунда белгиланган миқдорда алимент ундириш тўғрисида даъво қўзғатишга ҳақли эканлиги, болаларни ҳимоя қилиш мақсадида судларга ариза билан мурожаат қилган давлоғар давлат божи ва бошқа тўловларни тўлашдан озод қилиниши кўзда тутилмоқда.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, бугунги кунда Ўзбекистонда вояга етмаганларга оид қонунчиликни такомиллаштириш гоят муҳим аҳамиятга эга. Фарзандларимиз эртага юрт қорига ярайдиган пахлавон йигитлар, барно қизлар бўлсин десак, уларнинг маънаван ва jisмонан соғлом бўлиб вояга етишига алоҳида эътибор қаратишимиз лозим бўлади.

ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИЯВИЙ МУНОСАБАТЛАР

унда Ўзбекистон манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари

Бугунги халқаро иқтисодий муносабатларда инвестициявий муносабатлар муҳим аҳамиятга эга, шунинг учун ҳам халқаро иқтисодий ҳуқуқ соҳасида халқаро инвестиция ҳуқуқи алоҳида ажралиб чиқмоқда. Бу муносабатларда бир тарафдан албатта давлат ва иккинчи тарафдан халқаро даъво вакили бўлган инвестор қатнашади. Бундай муносабатлар давлат ва инвестор мансуб бўлган давлат ўртасида тузилган икки томонлама ёки улар қатнашаётган кўп томонлама инвестициявий шартномалар асосида юзага келади. Ўртада низо чиққанда тарафлар халқаро арбитражларга, ҳакамлик судларига мурожаат қилишлари мумкин.

Одатда ривожланаётган давлатлар иқтисодий барқарорликни таъминлаш мақсадида турли воситаларни қўллашди. Мисол учун, солиқ ва боғларни ошириш, тадбиркорларга берилган имтиёزلарни камайтириш ёки бекор қилиш, мулкдан фойдаланишни чеклаб қўйиш, давлат монополиясини ўрнатил ва ҳоказо. Бу жараёнда кўпинча давлатнинг бошқа давлат билан тузилган шартномаси ёки халқаро шартномаси қондаларига эътибор берилмайди.

вақтга қадар 600 дан орტიқ иш кўриб чиқилган. Ўзбекистон эса шу вақтга қадар 10 та ишда жавобгар сифатида қатнашган ёки қатнашмоқда.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон қонунчилигида экспроприация тушунчасининг ўзи мавжуд бўлмаган ҳолда халқаро арбитражларда унга нисбатан экспроприация даъвоси билан иш қўзғатилмоқда. Шу жиҳатдан мавжуд қонунчиликни такомиллаштириш ва уни халқаро ҳуқуққа мослаштириш лозим.



Бугунги кунда Ўзбекистонда 3 мингдан орტიқ икки томонлама ва 50 га яқин кўп томонлама инвестициявий битим тузилган. Иш жараёнида шунча битимдан айримлари буйича низо келиб чиқиши табиий ҳолат. Шу билан бирга, давлат ва инвестор ўртасида низоларнинг кўпайиб бориши натижа-сид бундай муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормаларнинг камчиликлари ҳам кўзга ташланмоқда. Бунга мисол сифатида инвестициявий битимларда қайси ҳолларда инвесторга имтиёزلар, чекловлар қўлланиси аниқ белгиланмагани, низоларни ҳал қилиш модели яхши ишлаб чиқилмагани каби муаммоларни келтириб ўтиш мумкин. Шу билан бирга, Ўзбекистон қонунларида инвесторнинг мулкни давлат фойдасига олиш ёки уни бошқача тарзда мулкидан маҳрум этишда аниқ ҳолатлар баён этилмагани натижа-сид кўп-кўп инвесторлар Ўзбекистонга нисбатан экспроприация даъвоси билан чиқмоқда.

Шу ўринда Инвестициявий низоларни кўриб чиқиш бўйича халқаро марказнинг (ICSID — International Centre for Settlement of Investment Dispute) айрим маълумотларига мурожаат қиламиз. Марказ 1972 йилдан низоларни кўришни бошлаган бўлса, шу

Инвестициявий низоларда давлат манфаатларини ҳимоя қилишнинг механизмлари нималардан иборат?

Биринчи навбатда инвестор билан келишиш, музокара ва маслаҳатлашув каби усуллардан фойдаланиш. Бундай усулларни қўллаш орқали давлат манфаатларини са-

Экспроприация тушунчасининг ўзи мавжуд бўлмаса-да, халқаро арбитражларда айнан шундай даъво билан иш қўзғатилмоқда.

марали ҳимоя қилиш мумкин. Музокара ўтказиш орқали давлатни улкан ҳаражатдан (инвестициявий арбитраж давлатни ишда айбдор деб топган тақдирда жарима ёки тонов тўлашдан) сақлаб қолиш мумкин бўлади.

Иккинчидан, инвестициявий низоларни кўрувчи миллий судларда шаффофликни таъминлаш. "Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 10-моддасида инвестор билан юзага келган низолар миллий судларда ҳам кўриб чиқиши мумкинлиги белгиланган. Бунинг учун би-

Луқмон АСАТОВ,
Пастдаргом тумани иқтисодий суди раиси

ринчи навбатда мустақил суд тизимини юзага келтириш лозим.

Учинчидан, минтақада инвестициявий низоларни ҳал қилишга қаратилган халқаро ҳакамлик арбитражларини ташкил қилиш ёки мавжудларнинг фаолиятини ривожлантириш. Шу ўринда 2018 йилда Ўзбекистон Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси хузурида Тошкентда халқаро арбитраж маркази (ТИАС)ни ташкил этиш тўғрисида"ги қарори ҳам айтиш шарт. Мақсадда чикарилган дейиш мумкин.

Тўртинчидан, икки томонлама ёки кўп томонлама инвестициявий битимларда мумкин қадар ад хос арбитражлар орқали низоларни ҳал қилиш механизминини қўллаш. Маълумки, ад хос арбитраж судлари тарафларнинг келишувига кўра таъсис этилади ва муваққат характерга эга бўлади. Бундай судлар тарафларнинг келишувига кўра молиялаштирилди ва бунда тарафлар учун жуда катта қўлайлик яратилади, яъни олсан сарф-харажатдан сақланиш, даъвони қўйилганидан ҳам тезроқ кўриб чиқиш мумкин. Арбитраж жойини ҳам тарафларнинг ўзлари танлайди.

Бешинчидан, икки томонлама инвестициявий шартномаларни мукамал тузиш ва унда инвесторга халқаро арбитражга мурожаат қилиш ҳуқуқини бериш. Бунда ҳар бир давлат ўзининг ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий ҳолатидан келиб чиқиб икки томонлама инвестиция шартномаси (ИТИШ) моделини ишлаб чиқиши керак.

Олтинчидан, ИТИШларда инвесторларга ҳам янги мажбуриятларни юклаш, яъни келажакда даъво қилиш ҳуқуқи-

дан самарали фойдаланиш. Бугунга қадар айнан давлатнинг қарши даъвоси бўлгани учун қўллаб-қўлланган Инвестицион низоларни кўриб чиқиш бўйича халқаро марказ инвестор талабларининг оз қисмини қаноатлантирган. Бу ҳам қарши даъво самарали ҳимоя чораси эканини кўрсатади.

Хулоса сифатида айтганда, халқаро тажрибани ўрганиш, ички қонун ҳужжатларимизни такомиллаштириш, мамлакатимизда инвестициявий низоларни ҳал қилишга қаратилган халқаро ҳакамлик институтини жорий қилиш билан инвестициявий низоларда Ўзбекистоннинг манфаатини самарали ҳимоя қилиш мумкин.



FAOLIYATIDAN

Аввало савол тугилди: илгари талон-торож ва ўзлаштириш, мансаб ваколатли суинистёмол қилиш, мансаб сохтакорлиги каби жиноятлари учун олти марта судланган рецидивист қандай қилиб яна мансаб курсисига ўтирган экан?..



ЙЎЛДАН АДАШГАН ЙЎЛСОЗЛАР

Ундан олдинги раҳбар ҳам икки марта судланган, ўзлаштириш ва растрата қилиш бобида "тажриба орттирган". Аввалги раҳбар даврида ишлаб юқридагидай жиноий қилмишларга бош қўшган бош ҳисобчи янги бошлиқ билан ҳам "чиқишиб", ноқонуний ишларни бирга давом эттирган. Муайян муддат мансабдорлик вазифаларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этилган, ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тўлиқ ўтамаган бўлса-да, бемалол масъул лавозимда ишлайверишган.

Камолиддин Жамолов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) икки марта судлангани ҳолда 2017 йил май ойи бошида корхона раҳбарлигига тайинланди. Қирим-чиқим ҳужжатларини "текислаб" қўйиш борасида "тажрибали" бош ҳисобчи Шермат Шахобов билан "тил топишади". Йўл куриш, таъмирлаш учун берилган маблағнинг муайян қисmini бошқа мақсадда сарфлашади.

Баднафс кимсалар дастидан "Обод қишлоқ" дастури доирасидаги ишлар чала қолди.

Шартномага асосан "Фаргона минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати" давлат унитар корхонаси томонидан "Истиқлол" МФЙ Қатагон қишлоғида 4,2 километр йўлни таъмирлаш учун Бағдод туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонасига бюджет маблағидан аванс тариқасида 179 миллион 340 минг сўм ўтказиб берилди. Амалда 105,4 миллион сўмлик иш бажарилиб, салкам 64 миллион сўмнинг 60 миллион сўмини бошлиқ ва бош ҳисобчи "Бағдод лидери"

хусусий корхонасига бўлиб бўлиб, тўртта тўлов топшириқномаси билан ҳеч қандай ҳужжатларсиз чиқим қилиб, 2,4 миллион сўмини корхонага кузатув камераси ўрнатиш учун "Глобал мега булдинг" МЧЖ ҳисоб рақамига ўтказиб, бюджет маблағини талон-торож қилишади.

Хориждан импорт қилинган, "Обод қишлоқ" дастури доирасида йўл қурилиши учун корхонага берилган салкам 54 тонна битум далолатнома асосида майда донали асфальт тайёрлаб бериши учун "Kokand Gold Future" МЧЖга ўтказилади. Асфальт Бағдод туман унитар корхонасининг 423-йўл бўлимига етказиб берилиши, уни бўлим бошлиғи Н.Фулмонов қабул қилиб олиши лозим эди. Унинг ўрнига унитар корхона раҳбари К.Жамоловнинг ўзи асфальт "Kokand Gold Future"дан олиб чиқиб кетилишига бош-қош бўлади. 109,8 миллион сўмликдан зиёд 574,9 тонна асфальтни корхонага қирим қилмасдан,

Шўхрат ТОШМАТОВ,
Департаментнинг Бағдод туман бўлими бошлиғи

бош ҳисобчи билан ҳужжатларни қалбақлаштириб, жуда кўп миқдордаги бюджет маблағини ўзлаштиради. "Обод қишлоқ" дастури бўйича йўллари асфальтлаш ишлари чала қолади. Жиноят иши қўзғатилганидан кейингина чала қолган ишлар охирига етказилади.

2018 йилнинг октябрь ойида К.Жамолов ўрнига илгари олти марта судланган Ниёзбек Достонов раҳбар этиб тайинланади. Бош ҳисобчи Ш.Шахобов билан биргаликда собиқ бошлиқнинг ноқонуний ишларини давом эттиради. Буюртмачи Қатагон қишлоғининг ички йўллари таъмирлаш учун ўтказиб берган 278 миллион 220 минг сўм бюджет маблағи ҳисобидан салкам 200 миллион сўмлик иш бажарилади. Н.Достонов ва Ш.Шахобов

йўл чизиклари бўёғи, йўл белгилари учун хусусий корхона ва МЧЖларнинг ҳисоб рақамларига пул ўтказиб бериб, йўл қурилиши ва таъмирлиниши учун ажратиб берилган пулнинг 79 миллион сўмини бошқа мақсадга сарфлаб давлат ва жамият манфаатларига кўп миқдорда зарар етказишади.

Етказилган зарарнинг 30 миллион сўми ундирилгани, қолган қисми бажарилган ишлар ҳисобига қоплангани инобатга олиниб, уч нафар судланувчига уч йил муддатга мансабдорлик ва моддий жавобгарлик юклатилган вазифалардан ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этган ҳолда ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди.

МАКТАБ ҲОВЛИСИДА ПОРА ОЛДИ

— Бизда иш йўқ... Бошқа мактабга жойлаштираман...
— Ёрдам қилинг...
— Ёрдам қиламиз. Аммо харажати бор. Уч юз бўлади...

Шу тарихи Қарши шаҳридаги 23-ўрта мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари М.Ш. Фуқаро ў.С.дан уни Қарши шаҳридаги мактаблардан бирига ўқитувчи вазифасига ишга жойлаштириш эвазига 300 АҚШ доллари талаб қилди. Ва шундоққина мактаб ҳовлисидан 250 АҚШ долларини олаётган маҳал департаментнинг вилоят бошқармаси ва ҳуқуқни муҳофазаси қилувчи бошқа органлар ходимлари томонидан қўлга олинди.

Лазиз Тўлқинов,
Департаментнинг Қашқадарё вилоят бошқармаси катта инспектори

Бугун жамиятимизда коррупцияга қарши кенг кўламли кураш олиб борилаёпти. Аммо фуқароларга бу борада тўғри тушуنча берилмас экан, жиддий натижага эришиш мушкул. Афсуски, мактабдек қутлуғ даргоҳда пора олган, устоз деган улуг номга доғ туширган М.С. каби кишилар ислохотларимиз йўлига гов бўлишарди. Шуларни ўйлаган ў.С. ўз вақтида тегишли идораларга мурожаат қилган эди... Қонун ҳукми қатъий. М.С.га суд ҳукми билан тегишли тартибда жазо тайинланди.

ТЕЛЕФОНДА ИЛИНГАН МИЖОЗ

Валюта бозорини янада эркинлаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш доирасида жорий йилнинг 20 августидан бошлаб тижорат банклари валюта айирбошлаш шохобчалари орқали нақд хорижий валюта сотишини бошлади. Бу ўз навбатида кўп йиллардан буён илдизини йўқотиб бўлмаётган, мамлакат иқтисодиёти, фуқаролар манфаатига зид бўлган "қора бозор" фаолияти барҳам топишига замин яратади.

Фарход УСМОНОВ,
Департаментнинг Тошкент шаҳар бошқармаси инспектори

йигиб юрган пулларини АҚШ долларига алмаштиришда ёрдам беришини илтимос қилади.

Жорий йилнинг 24 январь куни Ф.Қиёмов 11 минг АҚШ долларини 93 миллион 170 минг сўмга сотаётганида ҳуқуқни муҳофазаси қилувчи органлар ходимлари томонидан қўлга олинди.

Суд томонидан Ф.Қиёмовга энг кам ойлик иш ҳақининг 100 баравари миқдорда жазо жазоси белгиланди.

Бугунги кунда хорижий валюта олди-сотдиси эркинлашди. Энди пана-пасткамлардаги долларфурушларнинг тегирмони сув қуйиш шарт эмас. Банкларга бемалол мурожаат қилиш мумкин. Шундай қилсак, "қора бозор"дан бутунлай халос бўламиз.

Тўғри, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 2 сентябрдаги "Валюта сисъатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони мамлакатимизда валютани тартибга солишинг бозор механизмларини жорий қилиш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фаол жалб этиш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг таъши ва ички бозордаги рақобатбардошлигини оширишда дастуриламал бўлиб хизмат қилди. Содда қилиб айтганда, аввалги ўта мураккаб механизмлар осонлаштирилди, аҳоли мам-

лакат банкларига валюта топшириш ва уни сотиб олиш имконига эга бўлди. Бироқ шундай чора-тадбирларга қарамай ўтда ёнмас, сувда чўкмас "қора бозор" яна жон сақлаб қолди. Валютафурушликни касб қилган кимсалар эса унинг тегирмони сув қуяверишди. Шундайлардан бири Фурқат Қиёмов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) пул сотиб пулдор бўлишни қўлаб, қаттиқ янглишиди. У телефон орқали танишиб қолган Мадинага "касби" долларфуруш эканлигини айтди. Бундан хабар топган кич автомашина сотиб олиши учун

ГАВЖУМ «ТОЧКА»



2017 йил 2 сентябрда Ўзбекистон Президентининг "Валюта сисъатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони қабул қилинган бўлиб, маъзур ҳужжат билан тadbиркорлик субектлари ва аҳоли учун қатор имкониятлар яратиб берилди. Жорий йилнинг 20 август кунидан бошлаб эса тижорат банклари айирбошлаш шохобчалари орқали нақд хорижий валютани сота бошлади.

Азиз ЖАФАРОВ,
Департаментнинг Бухоро шаҳар бўлими инспектори

улар савдо қиладиган жой — Бухоро шаҳридаги "Шохруд" дўконини доллар бозорининг гавжум "точка"си сифатида яши биллишади.

Маржона "қўкидан керак" деб мурожаат қилганида долларфурушлар нақд харидорни қўлдан чиқармасликка ҳаракат қилишди.

— Қанча керак?
— 3 минг. Қанчадан ўзи?
— 8470 дан...
— Розиман.

Савдо осонгина "пишди". 3 минг АҚШ долларини 25 миллион 410 минг сўмга пуллаган долларфурушлар қишинг совуқ кунда мўмай даромад чўнтакка тушди деб турганларида ўйлаганлари хомхаёл эканини билиб қўлишди.

Суд ҳукмига биноан М.Жумаева энг кам ойлик иш ҳақининг 75 баравари, яъни 15 миллион 204 минг 750 сўм, Н.Каримовга эса энг кам ойлик иш ҳақининг 100 баравари, яъни 20 миллион 273 минг сўм жазо жазоси тайинланди. Шунингдек, Н.Каримовга тегишли жазо тайинланди.

ДЕКАН СОХТА ЭКАН

Карим Очилов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) қирқдан ошган. Орттирган ҳаёт тажрибаси оку қорани ажратишга етарли. У муқаддам судланди. Инсонпарварлик, одиллик тамойилларига асосланган амнистия қарорига мувофиқ жазодан озод қилинди. Аммо у тузалиш йўлига ўтмади. Бирор-бир фойдали меҳнат билан шуғулланмасдан одамларни алдаб, ноқонуний йўллар билан мулкий манфаат қўриш ва шахсий бойлик орттириш йўлидан борди.

керак. Институтларга кириш имтиҳонларига оз муддат қолди. У ўйлаб-ўйлаб қариндоши Бобомуродга ёрланди. Бобомурод: "Қўйинг ака, бировнинг насибаси бизга юкмайди. Қачондир бир жойимиздан тешиб чиқиши тайин", — демади. Аксинча, амакисининг жиноий режасини маъқуллади.

Бобомурод ҳам муқаддам суднинг қора курсисига ўтирганлардан. Бош қўшаётган иши яна шу курси томон элтиши мумкинлигини билса-да воз кечмади. Режанинг амалга ошишини астойдил истаб, мўмай даромадли бўлиб қолишни йўлади. Икковлон бу ишни эпловмаслигини билиб, маҳалладоши Бахриддинни ҳам режага киритди.

Бахриддиннинг бу кимсалардан фарқли томони муқаддам жиноий жавобгарликка тор-

тилмаган, айна пайтда вилоят ҳокимлигида муқаддам судланганларни ижтимоий муҳитга мослаштириш маркази бош мутахассиси эди. Лекин тер тўқмасдан мўмай даромад эгаси бўлиш иштиёқида уларга қўшилди. Йигитлар маҳалладоши Фозил ақани қалбаки домла қилишга қарор қилишди.

Орадан икки-уч кун ўтиб, Одил билан Карим учрашишди.

— Институтда ишлайдиган Мирза домлага айтдим, жиянингизга ёрдам қиладиган бўлди. Хизмат ҳақи 14 минг АҚШ доллари бўлади деяпти, — деди.

— Майли хизмат ҳақини берараман. Лекин аввал ўша домла билан учраштинг мени.

Юзма-юз гаплашайлик, — деди Одил.

Бировнинг чўнтагидаги пулни ўзиники қилишга бел боғлаган Карим

Зафар ҲАМДАМОВ,
Самарқанд вилоят прокуратураси бўлиб АМИБ терговчиси

тез орада домла билан кўриштиришини айтди.

Бўёғи қизиқ бўлди. Бобомурод Фозил ақаникига борди. "Анчадан бери уйда ўтириб-сиз. Юринг, сизни бир шахар-

Муқаддам судланганларни ижтимоий муҳитга мослаштириш Маркази бош мутахассисининг ўзи жиноятга бош қўшди.

га айлантириб келаман. Карим ака ҳақ бераяпти", — деб қўймай кийинтириб олиб чиқди. Шаҳарда улар бир кафега тўпланишди. Карим Одилга кўнғироқ қилиб, домла билан кўришадиган манзилни айтди.

— Ҳозир бир киши келади. Унга сизни домла деб таништираман. Вақтинчалик тиббиёт институти декани ролини ижро этиб беринг. Хафа қилмаймиз, — деди Карим.

Фозил "Йўқ, мени бундай ишларга аралаштирмаманлар" демади. Каримнинг айтганларига рози бўлди. Исми "Мирза"

эканини ва Одилга айтиши керак бўлган гапларни қўлга қўйиб олди.

Кўп ўтмай Одил кириб келди. Карим уларни таништириб қўйди.

— Айтилган пулни тезроқ олиб келиш керак. Бўлмаса кеч бўлади, кейин югурган билан фойдасиз, — деди "Мирза домла".

Фозилнинг телефони бўлмагани учун Бахриддиннинг телефон рақамини "Мирза домла"ники деб Одилга берганди. Кейинги кун Одил кўнғироқ қилганда Фозил ака гаплашди. Кейингисиде Фозил маст бўлиб қолгани учун Бахриддин домла ролини ўйнади, Карим ўргатган гапларни такрорлади. Одам боласи манфаат қўриш учун нималар қилайди дейсиз. Бу кимсалар ҳеч қачон домла бўлиб кўрмаган, аммо домла ролини қўйил қилди.

Одил ҳам шунча пулни осонгина бериб қўядиган анойилардан эмасди. У барча телефондаги сўзлашувларни ёзиб олганди. Шуларни олиб тегишли идорага борди. Орган ходимлари тезроқ тадбир уюштиришди. Карим шаҳардаги Тоҳирий ресторани олдида Одилдан 14 минг АҚШ доллари олган пайтда ашёвий далиллар билан қўлга олинди.

Суд ҳукми билан Карим Очиловга энг кам ойлик иш ҳақининг 100 баравари миқдорда жарима жазоси тайинланди ҳамда у 7 йил 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

Фозил Салимовга эса 9 миллион 215 минг сўм жарима жазоси тайинланди, 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди. Бобомурод Қосимов ва Бахриддин Йўлчиевга 12 миллион 901 минг сўмдан жарима жазоси ҳамда 5 йил 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазолари тайинланди.

Бир куни у Одил исмли киши билан танишиб қолди. Орадан уч-тўрт ой ўтди. Ҳазор суҳбатларининг бирида Одил жияни тиббиёт институтининг педиатрия факультетида ҳужжат топширгани ҳақида гап очди.

— У ерда менинг танишим бор. Декан бўлиб ишлайди. Хоҳласангиз, жиянингизнинг ўқишга киришида ёрдам қилади. Мен гаплашиб берараман, — деди.

— Майли, бир уриниб кўрайлик-чи, — деди Одил.

— Сиз 17-20 минг долларни тайёрлаб тураверинг. Қолганини домланинг ўзи билан гаплашасиз, — деди.

Карим аслида тиббиёт институтида умуман бўлмаган таниши ҳақида Одилни ишонтирди. Энди қандай қилиб бўлмасин домла топиш



ТАБЛЕТКАЛАР

“ТИЛСИМ” И ОЧИЛДИ

Жасмина Рўзиева (исм-фамилиялар ўзгартирилган) иш билан тумандаги қишлоқлардан бирига борганида, ароқ дўкони ёнида жойлашган дорихона атрофидаги одамларнинг гурунгини эшитиб қолди.

Алишер МИРЗОЕВ,
Қарши туман прокурори

шон туманида туғилган. Маълумоти ўрта-маҳсус, Қарши шаҳридаги ҳусусий дорихонада сотувчи бўлиб ишлайди. Оилали, икки нафар фарзанднинг онаси. Қизиги, жиноят содир этган вақтида у учинчи фарзандига ҳомиладор экан...

Туман тиббиёт бирлашмасининг маъмурий биносига ўтказилган жиноят ишлари бўйича Қарши туман судининг сайёр суд мажлисида Замира Қудратованинг мазкур жинояти тафсилотига оидиндик киритилди. Суд мажлисида айбига тўлиқ иқроор бўлган аёл оилавий шароитини, ҳомилдорлигини ҳисобга олиб, қонуний енгиллик беришларини сўради.

Суд ҳукмига асосан унга Жиноят кодексининг тегишли моддаси билан 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди. Ҳукм шартли ҳисобланиб, бир йил синов муддати белгиланди. Бу муддат давомида жазонинг шартлилигини беқор қилиш асослари келиб чиқмаса, тайинланган жазо ижро этилмайди.

"Қахрамон"имиз тиббиёт коллежини тамомлаган, ўз соҳасида бир неча йиллик иш тажрибасига эга мутахассис. Табиийки, таркибида психотроп моддалар бўлган дорилар савдоси қай тарзда амалга оширилишини, қолверса, дорихоначилик фаолияти билан ноқонуний тарзда шуғулланиш жиноят эканлигини яхши биларди. Аммо нафс қутқуси "ким билиб ўтирибди?" қабилида уни мўмай даромад орттиришга ундади. Оқибатда даромад эмас, жиноятчи деган ном орттирди...

Спиртли ичимликларнинг фойдасидан зиёни кўп. Меъёридан орткиччилик ҳар қандай инсонни ақлидан айиради. Бунинг натижасида жиноят кўчасига кириб қолиш ҳам ҳеч гап эмас. Жиноятлар таҳлилига назар ташланса, айнан ичкилик оқибатида содир этилган жиноятларнинг аксариятида айбланувчи воқеа пайтида ўз хатти-ҳаракатини англай олмайди.

ЖИЛОВЛАНМАГАН ЖАҲЛ

Жорий йилнинг 7 январь куни Оҳангарон шаҳрида яшовчи Гулнора Эшматова (исм-фамилиялар ўзгартирилган) онаси Екатерина Иванова билан Рождество байрамини нишонлаш учун уйда дастурхон безатади. Шу куни Г.Эшматова, унинг турмуш ўртоғи Умид Акрамов ва онаси Е.Иванова "аримта"ни майдалаб, байрамни нишонлаётган вақтида қўшини Герасим Баранов чиқиб келади. Орадан кўп вақт ўтмай Гулноранинг таниши Жасур Бекоров ҳам икки шиша спиртли ичимлик қўлтиқлаб келиб, даврга қўшилади. Шу тариқа пешинда бошланган байрам ярим тунгача давом этади.

Шарофиддин Йўлдошев,
Оҳангарон шаҳар прокурорининг ёрдамчиси лавозимда иш ўрганувчи

бошланади. Жазавага тушган Гулнора Жасурнинг қорнига пичоқ тикиб олади. Жароҳат олган Ж.Бекоров базўр кўчага чиқиб машина тўхтади ва шифохонага ўзи боради. Йўлда кўп қон йўқотган Жасур, хайриятки, шифокорларнинг савъ-ҳаракатлари билан омон қолди.

Эртаси куни воқеага оидинлик киритиш учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари Г.Эшматованинг уйига бориб, бу ҳақда ўздан сўраганларида, ҳақиқатан Жасур унинг таниши экани, жажал устида унга пичоқ тикиб олгани, маст бўлгани учун ундан кейин нима бўлганини эслай олмаслигини айтди. Хуллас, ЖКнинг тегишли моддаларига асосан Г.Эшматовага нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Олмалик шаҳар "Оразу" МФЙ биносига ўтказилган сайёр суд мажлисида мазкур жиноят иши кўриб чиқилди. Судланувчи содир этган жиноятга иқроор бўлиб, қилган ишдан қаттиқ пўшаймонлигини билдирди, суддан енгиллик беришини сўради. Суд Г.Эшматованинг жиноятни қасддан қилмагани, бундан олдин жиноят содир этмагани, жабрланувчининг давроси йўқлигини инобатга олган ҳолда унга нисбатан уч йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинланди.

2019 йилнинг августида истеъмол бозоридagi ўртача нархлар даражаси ой давомидаги ўсиш суръати 2,9 фоизни ташкил этди, деб хабар беради Давлат статистика қўмитаси.

Ер, ер ости бойликларини, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир.

Ўзбекистон Конституциясининг 55-моддаси

TABIAT VA BIZ

ЗАМОНАВИЙ ТИЗИМ ВА ЭКОМАДАНИЯТ



Қадимдан ҳар бир халқнинг атроф-муҳитни асраш билан боғлиқ қадриятлари камол топган бўлиб, аслида экологик маданият ҳозирги кунда ҳам мураккаб ва серқирра ҳодиса сифатида ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига дахлдор ҳисобланади. Жамият ҳаётининг ҳар қандай соҳасини экологик маданиятнинг ривожисиз юксалтириш мушкул. Боз устига, бугунги кунда дунёнинг экологик манзараси мақтанлишга арзигулик эмас, шу боис бутун дунёда атроф-муҳит мусаффолигини таъминлаш тобора долзарб масалага айланмоқда.

Фарҳод ПУЛАТОВ,
Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим катта прокурори

Ушбу соҳадаги ишларни ташкил этиш бўйича мустаҳкам ҳуқуқий асос яратилган ва у изчил такомиллаштирилмоқда. Жумладан, аҳоли пунктларида жойлашган машиий чикиндихоналарнинг ҳолатини ўрганиш, ноқонунийлари юзга келишининг олдини олиш, хазонларни ёқиш, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектларидан ноқонуний фойдаланиш ҳолатларини аниқлаш мақсадида тезкор рейдлар ўтказиб борилмоқда.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотига кўра, дунё миқёсида юзга келаётган касалликларнинг қорак қисми атроф-муҳит, ер ва сувнинг ифлосланиши, сифатсиз озиқ-овқатлар истеъмол қилиш оқибатида пайдо бўлмоқда. Айниқса, ўткир респиратор вирусли инфекция, ўткир ичак, гипертония, юрак-қон томири, аллергия ҳамда онкологик касалликлар кенг тарқалмоқда...

Мутахассисларнинг фикрича, дунё бўйича йилга 60 мингга яқин ўсимлик, 7 мингдан ортиқ ҳайвон тури йўқолиб кетиш хавфи остида. Гарчи юртимизнинг қиру адирлари, қўл ва қумликларни ўзига хос ўсимлик ҳамда ҳайвонот оламига эга бўлса-да, бу ерда ҳам шундай ҳолат кузатилаётгани ачинарли. Гап шундаки, сўнгги ўн йилликлар мобайнида табиатдан фойдаланишнинг кучайиши оқибатида улардан аксариятининг сони ва яшаш жойи қисқарди. Баъзилари эса бутунлай йўқ бўлиб кетди. Шулар инобатга олинган ҳолда мамлакатимизда табиатни асраш, унинг бойликларидан оқилона фойдаланиш, қўриқхоналарни ривожлантириш бўйича бир қатор лойиҳалар ишлаб чиқилиб, ижросини таъминлаш

**60 мингга яқин ўсимлик,
7 мингдан ортиқ ҳайвон турлари
йўқолиб кетиш хавфи остида.**

га алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Агар инсон гўдаклик пайтидан кўчалар, ҳосил бериб турган мевали дарахт новдаларини синдириш, жонли нарсаларни бежон қилиш табиат учун ҳам, жамият учун ҳам ўта зарарли эканини чуқур ҳис этса, бунинг аҳамияти ниҳоятда катта бўлади. Ёшларда экологик онг ва маданиятни тарбиялашда оила, болалар боғчалари, мактаб, лицей ва коллежлар, олий ўқув юрлари, маҳаллалар, жамоат жойларида олиб борилаётган тарбиявий ишларнинг аҳамияти беқиёсдир.

Бугун экология долзарб муаммага айланган бир вақтда бизнинг ҳар қандай хатомиз келажақ авлодларга қимматга тушиши мумкин. Жаҳонда иқлимнинг глобал ўзгаришларидан манфаатдор бўлган бирорта давлат йўқ. Агар шу йўсинда кетадиган бўлса, келажақда бу ўзгаришлар янада жиддий оқибатларни келтириб чиқаради. Бу жараёни ҳозирдан секинлатиш лозим.

Фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар.

Ўзбекистон Конституциясининг 50-моддаси

Инсон турмуш ташвишларидан чарчаганида табиат кўйида дам олгиси келади. Ростан баланг тоғлар, сокин дарёлар, ло-жувард кўллар, бепоён даштлар дилдаги губорни кетказлади. Рухий қувват бахш этади. Фикрингиз равшанлашиб, яна яшашга, курашишга иштиёқ сеза бошлайсиз. Шундай экан, табиатга муносабатимиз кўнгилдагидайми?

ҚИШ ҚИШЛИГИНИ ҚИЛСИН, ИНСОН — ИНСОНЛИГИНИ...

Дилрабо ҚУРЯЗОВА,
журналист

Афсуски, бу саволга ҳа деб жавоб берадиганлар сони тобора камайиб бормоқда. Эътибор берганмисиз, орамизда болалигини эслаганда "Эҳ, у пайтлари қишда тизза бўйи қор ёғар эди" деб хўрсиниб, "Ҳозирги ёққан қорлар тўпика ҳам чиқмаяпти" дея ёзгирадиганлар кўп. Чунки кейинги ўн йилликларда қиш қишга ўхшамапти. Бунга ҳар хил антропоген таъсирлар туфайли сайёрамиз миқёсида глобал иқлим иситиши кузатилаётгани сабаб бўлмоқда. Демак, муаммонинг бир учи ўзимизга келиб тақалар экан.

Айни кунда Урганчида катта бунёдкорлик ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди. Воҳамиз аҳли учун турли дам олиш масканлари, истироҳат боғлари, ўйингоҳлар қурилди. Лекин биз буларнинг қадрига етаямизми?

Ҳар қуни уйимиз остонасидан ташлаб ишга отланарканман, дилни хира қилувчи ҳолатларга дуч келаман. Кимди целлофан халтани, яна кимдир биронта яна ичимлик идишини шундоқ кўча юзига, ариқларга ташлаб кетган бўлади. Бу, албатта, жуда хунук манзара. Биринчидан, одобсизлик, иккинчидан, атрофдагиларга нисбатан

**"Ҳозирги ёққан қорлар
тўпика ҳам чиқмаяпти"
дея ёзгирадиганлар кўп.**

хўрматсизлик, қолаверса, маданиятсизлик белгиси. Энг ёмони, бир кишининг бефаросатлиги туфайли шу атрофда чикиндир йиғила бошлайди. Ўша целлофан халта билан елим идиш (баклашка) ташланган жойда бир-икки кун ичида ахлат уюми пайдо бўлади. Унга бошқа бир локайд одам ўт қўйиб юборади. Натияжада атрофни зарарли газ, қора тутун қоплайди. Шу ердан ўтаётган одамларнинг нафас олиши оғирлашади. Соғлиқ учун жуда зарарли бўлган ис гази шамол таъсирида анча узоқларга тарқалиб кетади.

— Мен ишлайдиган коллеж Урганч деҳқон бозори яқинида жойлашган. Баъзан атрофни томоша қилиб бекатгача яёв боришни хуш кўраман. Бир-бирдан чиройли иморатларни кўриб, шаҳримиздаги ўзгаришлардан қалбим фахрга тўлади. Аммо баъзан бинолар яқинида, йўл бўйида ахлат уюмларига кўзим тушиб, кўнглим хира тортади, — дейди Урганч қурилиш коллежи директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Наргиза Бозорбоева.

Бугун Урганч шаҳри кўчаларида, автобус бекатларида, жамоат жойларида ёшлар тугул катталарнинг ҳам писта чақиби, пўчоғини дуч келган жойга ташлаши, ҳайдовчилардан тортиб, йўловчиларгача сувдан бўшаган елим идишларни машина деразасидан ташлаб

юбориши оддий ҳол. Атроф-муҳитга бу тахлит муносабатдан биров оғринмай ҳам кўйди. Аммо унутмаслик лозимки, ифлослантираётганимиз шу замин — бизнинг ватанимиз. Ўз юртимизнинг кўркини ўз қўлимиз билан бузаямиз!

Анча аввал "Дунё чикиндихонага айланиб бораёпти" деган мақолани ёзишда дахлдор ҳисобламас экан, кўзда тутилган натижага эришиш қийин. Аслида атроф-муҳитга бўлган муносабатимиздаги энг катта хатомиз — локайдлигимиз. Чунки кўчада қўлимиздаги ортиқча нарсаларни махсус қутиларга ташламай, дуч келган жойга улоқтириб кетаверамиз. Бошқаларнинг ҳам шундай қилишига бефарқмиз. Бу билан фарзандларимизнинг ҳам тарбиясини бузаямизми?

Мен шу ўринда яна бир масалага эътибор қаратмоқчиман. Ҳар қуни эр-талаб Урганч шаҳар ободонлаштириш бошқармаси ишчилари кўчаларни, хиёбонларни, ариқларни топ-тоза қилиб супурадилар, чикиндилар махсус машиналарда олиб кетилади. Бироқ юқоридаги каби ҳолатларни кўргач, бировларнинг меҳнатини қадрлашни ҳам ўрганишимиз керакка ўхшайди деган хаёлга борасан киши...

Хулоса ўрнида айтганда, бугунги кунда дунё аҳлини ўйлантириб келаётган экологик муаммолар барчани бирдай оғоҳликка, табиатга нисбатан меҳр-шафқатли бўлишга ундайди. Биз юқорида тилга олган камчиликлари бартараф этишда жамоатчилик назорати ҳам муҳим рол ўйнайди. Нотўғри иш қилаётган ёшларга катталарнинг, озчиликка кўччиликнинг танбеҳи қор қиладди. Зеро, бир-биримизни тергаб, тўғри йўлга солиб туришимиз ҳам қарз, ҳам фарздор.

Бундан ташқари, 2013 йилда қўнғи қирган "Экологик назорат тўғрисида" ги қонунда белгиланган кўйилганидек, мамлакатимиз фуқаролари бизни ўраб турган яшил оламга, табиий захиралар — ер, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, ер ости бойликларига умуммиллий бойлик сифатида муносабатда бўлишга ҳам мажбур, ҳам масъулдир.





FAOLIYATIDAN

ТАРҒИБОТ САМАРАСИ

Баъзан бир умр бирга бахтли яшайман деб ишонган одамингиз билан келишолмай қоласиз. Арзимаган сабаб билан оилага дарз кетиши ҳам ҳеч гап эмас. Аммо ўртада фарзандлар азият чекади. Шундай вақтда мурося йўлини танлашингизга кўмак берадиган бир киши топилса, оилани сақлаб қолиш мумкин бўлади.


Гулмурад ҲОТАМОВ,
МИБ Бухоро вилоят бошқармаси ходими

Н.Холиқов уйдан топилмагани сабабли 2017 йил 19 апрелда унга нисбатан қидирув эълон қилинган ва бу ҳақдаги қарор Вобкент туман ИИБга юборилган. Қарздор Н.Холиқов жорий йилнинг 26 июнь куни туман ИИБ ходимлари томонидан топилган.

МИБ Вобкент туман бўлими қарздорга нисбатан тўплаган ҳужжатларни Шофиркон туман маъмурий судига тақдим этди. Н.Холиқов маъмурий суд томонидан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 47^а-моддасига мувофиқ 15 сутка маъмурий қамоқ жазосига тортилди. Мана шу муддат эрхотинни оила ҳақида янада чуқурроқ ўйлашга ундади. Шунингдек, МИБ ходимлари олиб борган тушунтириш ишлари натижасида Н.Холиқов ва М.Авезова ярашиб олишди.

М.Авезова алимент ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжатини "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги қонуннинг 40-моддаси биринчи бандига асосан ижросиз қайтариб олди. МИБ яна бир оилага хотиржамлик, яна бир болага эса болалик қувончини қайтарди.

Фуқаролик ишлари бўйича Қорақўл туманлараро судининг қарздор Набижон Холиқовдан ундирувчи Муҳаббат Авезовага воёга етмаган фарзандининг таъминоти учун даромадининг 1/4 қисми микдорда алимент ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжати бюронинг Вобкент туман бўлими иш юритувига қабул қилинган. Мажбурий ижро ҳаракатлари давомида



Ходимларни

маошсиз қолдиргач...

Шохрузбек АБДУНАБИЕВ,
МИБ Янгиобод туман бўлими бошлиғи ўринбосари

Зомин туманлараро ақтисодий судининг ижро варақасига асосан Мажбурий ижро бюроси Янгиобод туман бўлими томонидан "Янгиобод-Агросервис МТП" масъулияти чекланган жамиятига нисбатан мажбурий ижро ҳаракатлари олиб борилди.



Маълум бўлишича, "Янгиобод-Агросервис МТП" МЧЖ 20 нафар ходимига ойлик иш ҳақини тўламай келган. Бундан ташқари, мазкур МЧЖнинг солиқдан 9 миллион 581 минг сўм қарзи ҳам мавжуд экан.

Шунга кўра, "Янгиобод-Агросервис МТП" МЧЖга қарашли комбайн хатланиб, сотиш учун "Е-IJRO AUKSION" ағона электрон савдо майдончасига қўйилди.

Мазкур комбайн 167 миллион 927 минг сўмга баҳоланган бўлиб, сотувдан тушган маблағ МЧЖнинг солиқ қарзи ҳамда ходимларнинг иш ҳақига йўналтирилади.

Эҳтиётсизликнинг зарари

Адхам ПАЙЗИЕВ,
МИБ Қашқадарё вилоят бошқармаси бошлиғи ўринбосари

Фуқаро И.Бобоқулов эҳтиётсизлиги туфайли йўл-транспорт ҳодисаси содир этиб, жабрланувчига етказилган зарарни қоплашни ортага суриб келатганди.

Жинойат ишлари бўйича Тошкент шаҳар Чилонзор туман суди И.Бобоқуловни айбли деб топиб, жабрланувчи фойдасига 34 миллион 884 минг 400 сўм моддий зарар ундиришни белгиланган бўлса-да, у шу кунга қадар бунга панжа орасидан қараб келди.

Шундан сўнг О.Бакиеванинг фойдасига қарздор И.Бобоқуловдан зарарни ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжати МИБ Чироқчи туман бўлими иш юритувига юборилди. Аммо ижронини таъминлаш осон кечмади. Шундан сўнг ижрончилар қарздорнинг "Samsung" русумли телевизор ҳамда иккита қорамолини хатлаб олишди. Телевизор 1 миллион сўмга, чорва моллари 6 миллион 250 минг сўмга сотилгач, ушбу пул ундирувчининг аризасига асосан банкдаги пластик ҳисоб рақамига ўтказиб берилди. Қолган зарар тўлиқ нақд пулда ундирилиб, О.Бакиеванига тилхат асосида топширилди.

Фуқаролик ишлари бўйича Гулистон туманлараро судининг буйруғига кўра Б.Шеркуловга битта фарзанди учун ҳар ойлик иш ҳақи ва бошқа даромадларидан алимент тўлаш мажбурияти юкланган эди. Бироқ қарздор алимент тўлашдан бўйин товлаб юрди. Кун сайин қарзи ҳам ошиб, 8 миллион 443 минг 413 сўмга етди.

Пули йўқлиги баҳонасида

Ота эса пули йўқлигини рўқач қилаверди. Ишга ҳам кирамади. Аммо қонун барчага баробар. Оғохлантиришлардан хулоса чиқармаган отага нисбатан МЖТКнинг 47^а-моддаси қўлланди. Янгиер шаҳар маъмурий судининг қарори билан Б.Шеркуловга 15 сутка қамоқ жазоси белгиланди. Шу билан бирга, қамоқда юрган кунлари учун 456 минг 142 сўмга яқин пул тўлаш мажбурияти ҳам юкланди.


Турли баҳоналар билан алимент тўлашдан бўйин товлаган яна бир ота ҳам шу суд қарори билан 15 суткага қамалди. Фуқаролик ишлари бўйича Гули-

Мансур БЕКНАЗАРОВ,
МИБ Гулистон шаҳар бўлими бошлиғи ўринбосари

стон туманлараро судининг қарорига кўра қарздор Д.Матқаримовдан икки фарзандининг моддий таъминоти учун алимент ундириш белгиланган эди. Ижро ҳаракатлари давомида отага тўплаган қолган 4 миллион 248 минг 991 сўм алимент пулини тўлаши шартлиги таъкидланди. Ота ишсизлигини баҳона қилиб, бўйин товлаб юраверди. Оқибатда унга нисбатан қонуний чора кўрилди.

Унутилган мажбурият

Илҳом МАЛЛАЕВ,
МИБ Каттақўрғон туман бўлими бошлиғи ўринбосари



Фуқаролик ишлари бўйича Каттақўрғон туманлараро судининг ҳужжати асосан қарздор Н.Ҳасановдан ундирувчи Д.Кўмаковага уч нафар фарзандининг моддий таъминоти учун қарздорнинг ойлик иш ҳақи ва бошқа даромадларининг иккидан бир қисми микдорда алимент ундириш белгиланган.

Мажбурий ижро ҳаракатлари давомида қарздорнинг уйи кўздан кечирилганда унга тегишли бўлган мол-мулклар аниқланмаган ва рўйхатга олинмаган. Н.Ҳасановнинг алимент тўловидан қарзи 2014 йилнинг январь ойидан 2019 йил май ойига қадар 46 миллион 258 минг сўмни ташкил этган.

Қарздор алимент тўлаши лозимлиги ва уни тўламаган тақдирда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 47^а-моддасига кўра маъмурий қамоқ жазоси қўлланиши тўғрисида оғохлантирилди.

Ижро ҳаракатлари давомида бундан хулоса чиқарган Н.Ҳасанов ундирувчига 49 миллион 500 минг сўм тўлаб берди.

Келгуси сонда ▶

«Прописка» билан боғлиқ муаммо сабаб пойтахтда қариндоши ёки бошқаларнинг номига мулк сотиб олган айрим фуқаролар кейинчалик низолар гирдобига қолишмоқда.

HUQUQ

YURIDIK GAZETA

MUASSIS:

O'zbekiston
Respublikasi
Bosh
prokuraturasi

BOSH MUHARRIR:

Jahongir MAKSUMOV

TAHRIIR HAY'ATI:

Erkin YULDASHEV
Halim BOLTAYEV
Sodiqjon NAZAROV
Hayot SHAMUTDINOV
Utkirjon DEXKANOV
Maqsudali QAMBAROV

TAHRIIRIYAT
MANZILI:

Toshkent shahri, Yahyo
G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 233-98-40,

Faks: 233-10-53, 233-64-85



www.huquq.uz



info@huquq.uz

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriz qilinmaydi va egalarga qaytarilmaydi. Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

«HUQUQ» materiallari ko'chirib bosilganda manbaa sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.

☐ — tijorat materiali.

Buyurtma v-3740.

15 999 nusxada bosildi.

Oqog'oz bichimi A-3, hajmi 3 bosma toboq.

Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Navbatchi muharrir: F.YODGOROVA

Sahifalovchi: S.BOBQJANOV

Gazeta haftaning payshanba kuni chiqadi.

Sotuvda keleshilgan narxda

Nashr ko'rsatkichi 231

Gazeta «O'zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi.

Korxonada manzil: Toshkent shahar, Aleksher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.

Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yil 12-oktabrda

0188-raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-7617

9 772010 761004

Хамюртимиз Элдор Шомуродов август ойида Россия чемпионатининг энг яхши футболчиси бўлди.

5-SENTABR 2019-Y.
HUQUQ N° 86
(1818)

11

МУБОРАҚБОД ЭТАМИЗ!



27 йилдан ортиқроқ вақт мобайнида прокуратура идораларида самарали фаолият юритган инсон, прокуратура фахрийси **Баходир Бойзоқов** кутлуг 60 ёшни қарши олмоқда.

У прокуратура органларидаги меҳнат фаолияти давомида Фарғона шаҳар прокуратурасида иш ўргатувчи, катта терговчи, Тошкент вилоят прокуратурасида катта терговчи, бўлим прокурори, Бўстонлик туман прокурори, Тошкент туман прокурорининг катта ёрдамчиси, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида бошқарма прокурори, бошқарма катта прокурори, Бўстонлик туман прокурорининг ёрдамчиси, катта ёрдамчиси, Ангрен шаҳар прокурорининг ёрдамчиси лавозимларида самарали хизмат қилиб, қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш каби касбий вазифаларни бажаришга масъулият билан ёндашиб, хизмат бурчига содиқлиги билан ҳамкасблари ҳурматиغا сазовор бўлди.

Меҳнатсеварлик, ташаббускорлик, самимийлик ва фидойийлик каби фазилатлари билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари орасида эътибор қозонди.

Шогирдлари уни касб маҳорати сирларини сидқидилдан ўргатган тажрибали мураббий ва меҳрибон устоз сифатида қадрлашади.

Хурматли Баходир Маҳмудович, таваллуд айёмингиз муборак бўлсин! Сизга ва оила аъзоларингизга мустаҳкам соғлиқ, узок умр, оилавий тотувлик, хонадонингизга тинчлик-осойишталик ҳамда фаровонлик тилаймиз!

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ва Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Маркази



Жорий йилнинг 29 август кuni Монакодаги Grimaldi Forum саройида Чемпионлар лигаси 2019-2020 йил мавсумининг гуруҳ босқичига қуръа ташланди.

ҚУРЪА КИМГА АЗА, КИМГА МАЗА

Қуръа натижасига кўра, футбол тилида "ўлим гуруҳи" деб аталадиган гуруҳ Испаниянинг "Барселона", Германиянинг "Боруссия — Д" ҳам бу мавсумда таркибини анчагина кучайтириб бораётган Италиянинг "Интер" клублари жамланмасидан иборат бўлди. Бу кватретда Чехиянинг "Славия" жамоаси биров кучсиздек кўринмоқда. Бироқ олдиндан бир нима деб бўлмайди.

"Ювентус", "Атлетико" ва "Байер" клублари тўқнашувлари ҳам қизгин ва муросасиз ўтиши аниқ. ЕЧЛнинг амалдаги чемпиони "Ливерпуль" клуби эса яна гуруҳ босқичида "Наполи"га тўқнаш келмоқда.

Шунингдек, ўша оқшомда УЕФА Чемпионлар лигаси 2018-2019 мавсумининг энг яхши футболчилари ҳам эълон қилди.

Унга кўра, "Ливерпуль" клуби посбони Алиссон Бекер энг яхши дарвозабон деб топилди.

"Ливерпуль" футболчиси Виржил ван Дейк — энг яхши ҳимоячи, «Аякс» жамоасининг собиқ вакили Фрэнки де Йонг — энг яхши яримҳимоячи бўлди. «Барселона» клуби етакчиси Лионель Месси эса энг яхши ҳужумчи деб тан олинди.



ЖАМОАЛАР СЕНИ ЮЗЛИККА БОРАДИ

Манбага кўра, ҳозир мусобақанинг гуруҳ босқичи иштирокчилари сонини 32 тадан 96 тага ошириш варианти кўриб чиқилмоқда. Бундай форматда жамоалар олтитадан 16 та гуруҳга бўлинишади.

Ушбу ғояга кўра, гуруҳларда дастлабки икки ўринни олган жамоа ЕЧЛ плей-офф босқичида ўз иштирокини давом эттирса, кейинги 2 та клуб Европа лигаси плей-офф

босқичига йўл олади. Қолган жамоалар учун яна бир мусобақа ташкил этилиши кутилмоқда.

Бундай формат туфайли мусобақаларнинг саралаш босқичи қаймайши кутилмоқда.

Мазкур ғоя УЕФА ижрокўмининг сентябрь ойида бўладиган йиғилишида муҳокама қилинади. Лойиҳа 2024 йилдан бошлаб амалга оширилиши мумкин.

ЖЧ-2022 эмблемаси тақдим этилди

Кунги кеча ФИФА томонидан футбол бўйича 2022 йилги жаҳон чемпионатининг расмий эмблемаси тақдим этилди.

Эслатиб ўтамиз, ЖЧ-2022 тарихида илк марта куз-киш ойида, яъни 21 ноябрдан 18 декабрга қадар Катарда бўлиб ўтади.



FIFA WORLD CUP
Qatar 2022

TRANSFER CENTRE

Рекорд даражадаги харажатлар

Европанинг кучли бешта миллий чемпионати клублари ёзги трансфер учун харажатлар бўйича рекордни янгилашди.

ВВС тарқатган хабарга кўра, Топ-5 мамлакатлари клублари 5,5 миллиард евро сарф қилишди. Ўтган йилнинг ёзига бу сумма 4,6 миллиард еврони ташкил этган эди.

Рейтингда АПЛ клублари етакчи бўлиши (1,5 млрд.). Кейинги поғоналарни Испания Ла лигаси (1,3 млрд.), Италия А серияси (1,2 млрд.), Германия Бундеслигаси (738 млн.) ва Франция 1-лигаси (666 млн.) банд этишди.



"А" гуруҳи:
"ПСЖ" (Франция)
"Реал" (Испания)
"Брюгге" (Бельгия)
"Галатасарай" (Туркия)

"В" гуруҳи:
"Бавария" (Германия)
"Тоттенхэм" (Англия)
"Олимпиакос" (Греция)
"Црвена Звезда" (Сербия)

"С" гуруҳи:
"Манчестер Сити" (Англия)
"Шахтёр" (Украина)
"Динамо Загреб" (Хорватия)
"Аталанта" (Италия)

"Д" гуруҳи:
"Ювентус" (Италия)
"Атлетико" (Испания)
"Байер" (Германия)
"Локомотив" (Россия)

"Е" гуруҳи:
"Ливерпуль" (Англия)
"Наполи" (Италия)
"Зальцбург" (Австрия)
"Генк" (Бельгия)

"Ғ" гуруҳи:
"Барселона" (Испания)
"Боруссия Дортмунд" (Германия)
"Интер" (Италия)
"Славия" (Чехия)

"Г" гуруҳи:
"Зенит" (Россия)
"Бенфика" (Португалия)
"Лион" (Франция)
"РБ Лейпциг" (Германия)

"Ҳ" гуруҳи:
"Челси" (Англия)
"Аякс" (Голландия)
"Валенсия" (Испания)
"Лилль" (Франция)

Бундан ташқари, Виржил ван Дейк Чемпионлар лигасида ўтган мавсумнинг энг яхши футболчиси бўлди. Ундан ташқари бу совринга «Ювентус» ҳужумчиси Криштиану Роналду ва «Барселона» тўпурари Лионель Месси ҳам даъвогарлик қилган эди.

Эслатиб ўтамиз, гуруҳларда 1 ва 2-ўринни эгаллаган жамоалар Чемпионлар лигаси плей-офф босқичига, 3-ўринни эгаллаган жамоалар Европа лигаси плей-офф босқичига йўл олишади. Гуруҳ босқичи ўйинлари 17 сентябрь кuni старт олади.